O'ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№99 (752) 2023 йил 26 декабрь, сешанба
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА РЕЖАЛАР ТАНҚИДИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 25 декабрь куни ҳудудларда электротехника, кимё ва фармацевтика тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Саноатдаги таркибий ўзгаришлар ва шароитлар натижасида сўнгги беш йилда ушбу учта тармоқда ишлаб чиқариш 2,6 баробар ошган, уларнинг саноатдаги улуши 7 фоизга етган. Шунингдек, 231 турдаги янги маҳсулотлар ўзлаштирилиб, экспорт 1,6 миллиард долларни ташкил этган.

Жорий йилнинг ўзида электротехникада 163 миллион долларлик 39 та, кимё саноатида 70 миллион долларлик 17 та ва фармацевтикада 87 миллион долларлик 57 та корхона ишга тушди.

Шу билан бирга, бу тармоқларда фойдаланилмаган имкониятлар ҳали кўп. Ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш электротехникада 50 фоизга, кимё саноатида 40 фоизга, фармацевтикада 18 фоизга ҳам етмайди.

Ҳудудларда ташкил қилинган зоналардан ҳамда саноат кооперацияси имкониятларидан етарлича фойдаланилмаяпти. 116 та корхонага олиб келинган 85 миллион долларлик саноат ускунаси ишга тушмасдан турибди. 727 та корхона тўлиқ қувватда ишламаяпти.

Йиғилишда шу каби камчиликлар танқидий таҳлил қилиниб, долзарб вазифалар белгиланди.

– Ҳокимликлар саноат тармоқлари билан узвий боғлиқликда ишлаб, ҳудудларда иқтисодиётни диверсификация қилиши, лойиҳаларни кўпайтириши зарур. Шундагина жойларда иқтисодий ўсиш, иш ўрни, бюджетга тушум бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Келгуси йилда мазкур 3 тармоқда 12 миллиард 700 миллион долларлик 24 та йирик лойиҳа бошланиши қайд этилди. "Навоийазот"да поливинилхлорид ва Қўнғиротда кальцийланган сода қувватларини кенгайтириш, Қоракўлда метанолдан олефин олиш, Самарқандда маиший техника ва автомобиллар учун металл листлар ишлаб чиқариш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларга керак бўладиган қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни етказиб беришга маҳаллий корхоналарни жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, тармоқ ва ҳудудлар биргаликда ишлаб, электротехникада 2,1 миллиард долларлик 190 та, кимё саноатида 3,8 миллиард долларлик 139 та, фармацевтикада 1,5 миллиард долларлик 110 та ўрта ва кичик лойиҳаларни шакллантирган. Йиғилишда Президент уларнинг қуввати, яратилажак маҳсулотлар тури ва иш ўрнига эътибор қаратиб, лойиҳаларни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Мутасаддиларнинг лойиҳалар ижроси, ҳудудлар ва тармоқларнинг ўзаро боғланган иш тизими юзасидан ахбороти эшитилди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрига келди.**

"Пулково" халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ленинград вилояти ва Санкт-Петербург раҳбарияти кутиб олди.

Мамлакатимиз етакчиси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этади.

Бўлажак тадбир доирасида Ҳамдўстлик мамлакатлари етакчилари йилнинг асосий якунларини сарҳисоб қиладилар ҳамда МДҲ маконида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқадилар.

**ЎзА.**

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг соҳада очиқликни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлари юзасидан ахбороти эшитилди. Унда вазир ўринбосари Даврон Адилов сўзга чиқиб, соҳани рақамлаштириш йўналишидаги лойиҳалар, истиқболли вазифалар ҳамда уларнинг тизимда шаффофликни оширишдаги роли ҳақида гапирди.**



Таъкидланганидек, соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофликни таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан бир қатор йўналишларни рақамлаштиришга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги мутахассислари малакасини ошириш, қурилишда давлат харидлари, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш, фуқароларга кўрсатилаётган давлат хизматлари, шаҳарларнинг рақамли эгизакларини ишлаб чиқиш, қурилиш соҳасида норматив ҳужжатлар ва стандартларни такомиллаштириш йўналишлари шулар жумласидандир.

Йиғилишда ҳар бир йўналиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳамда Ёшлар парламенти ҳамкорлигида "Ёшлар архитектура форуми" ўтказилди.**






# "ЁШЛАР АРХИТЕКТУРА ФОРУМИ" ТАШАББУСЛАРГА БОЙ ЎТДИ

Форум доирасида бўлажак архитекторларга соҳадаги янги ислоҳотлар хусусан, меъморчиликнинг энг нозик сирлари бўйича атрофлича тушунча бериш, ёш авлоднинг қурилиш соҳасини ривожлантиришга бўлган қизиқишини уйғотиш назарда тутилган.

Форумда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов сўзга чиқиб, бугун юртимизда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиликлар хусусида гапириб, шундай деди:

– Кун сайин ўзига хос мегаполис қиёфасига кириб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ривожида қалби шижоатга тўла сиздек ёшларнинг фикри, янгича қарашлари биз учун муҳим. Ана шундай пайтда беихтиёр танлаган касбимиздан фахр-ифтихор туйғусини ҳис қиламиз. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг эшиклари сиздек ғайратли ва изланувчан ёшлар учун ҳамиша очиқ. Келинг! Ўрганинг! Янги Ўзбекистонни сиздек навқирон ёшлар билан бирга қуришдан мамнунмиз.

Форум давомида Тошкент архитектура-қурилиш университетининг талабалар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Азамат Матёқубов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳам сўзга чиқиб, соҳадаги илғор янгиликлар хусусида тўхталишди.

– Қурилиш ва архитектура соҳасини чуқур ўрганиш назарий билимлар билан бир қаторда, амалиётга ҳам катта эътибор қаратишни талаб этади, – деди вазирликнинг Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жаҳонгир Анваров. – Чунки биз қурган бинолар одамлар учун хавфсиз, қулай шароит яратиши, шу билан биргаликда замонавий қиёфа касб этиши зарур. Мен ушбу тизимда устоз-шогирд анъанасига алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман. Зеро, бизнинг аждодларимиз бунёдкорлиги бутун дуёга машҳур. Биз ушбу анъаналарни йўқотмаслигимиз керак.

Самимий руҳда кечган форум давомида университет талабалари шаҳарсозлик соҳасига оид ўзларини қизиқтирган саволлар билан масъулларга мурожаат қилишди. Хусусан, талабалар учун чет элда малака ошириш курсларини ташкил этиш, ёшлар ўртасида турли лойиҳа танловларини кўпайтириш, хусусий сектор вакиллари томонидан қурилаётган объектларда сифат назоратининг қай даражада экани, қурилишга жалб этилаётган энерготежамкор ва енгил қурилиш материалларининг афзалликлари хусусидаги саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

**МУНОСАБАТ**

# Маънавий юксалишнинг янги сифат босқичи

**Дониёр ҒАФУРОВ,** Бухоро муҳандислик-технология институти ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори.



**Президентимиз раислигида жорий йилнинг 22 декабрь куни ўтказилган Республика маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши ҳамда маданият ва санъат соҳаси вакиллари билан учрашувда илгари сурилган илғор фикр ва ғоялар кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди, айниқса, маънавият соҳаси вакилларини руҳлантирди.**

Янгиланган Конституция юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги ривожига хизмат қилмоқда. Унда энг аввало, "Инсон қадри учун" ғояси устувор бўлиб, "инсон – жамият – давлат" тамойилини тўлақонли рўёбга чиқариш, яъни инсон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйишни мақсад қилган. Айниқса, унда белгиланган нормаларни ҳаётга татбиқ этиш энг муҳим вазифадир. Конституциямизда белгиланган "Ўзбекистон – ижтимоий давлат" деган қоида жамият ҳаётида самарали намоён бўлмоқда. Яъни, 2023 йилда ижтимоий соҳага энг кўп – 134 триллион сўм маблағ ажратилгани, бу эса 2016 йилга солиштирганда 5,6 баробар зиёдлиги, бу борадаги амалий ишларнинг дебочаси эканлиги, яқин келажакда унинг ҳажми ва кўлами юксалиб, мамлакатимиз фуқароларининг ҳаётида, турмуши ҳамда дастурхонида ўз аксини топиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Ҳозирги мураккаб замоннинг ўзи воқеликка очиқ кўз билан, теран ва чуқур мушоҳада юритган ҳолда назар ташлашни, ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли сабоқ чиқариб яшашни талаб этмоқда. Давлат раҳбарининг "Биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми?" деган саволи жиддий ва ўринли бўлиб, жамиятимиз аъзолари бу жабҳада қай даража рақобатбардош, ёшларимиз замонамизнинг мафкуравий талаб ва таҳдидларига жавоб бера оладими, унинг ақлий салоҳиятини юксалтириш, ўзига бўлган ишонч руҳиятини янада мустаҳкамлаш ишларимиз қай аҳволдалиги масалаларини ўз ичига қамраб олади.

Айниқса, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "ўзбек", "ўзбекистонлик", "Ўзбекистон" деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бу борада ишларимизни тизимли йўлга қўйишимиз лозим, ёшларимиз қалбида ватанпарварлик, юртга дахлдорлик, юксак фуқаролик позициясини шакллантиришда амалий ишларга киришишни кечиктирмаслик айни ҳақиқат.

Ижтимоий тармоқлар орқали асосан четдан, баъзан, ҳатто, мамлакатимизнинг ўзида ҳам Конституция ва қонунларимизга зид позициялар илгари сурилаётгани, жумладан, диний эътиқод ниқоби остида ёшларни маърифатга эмас, зўравонликка, миллий ўзлигини, маданий-маърифий ва оилавий қадриятларини йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда зўравонлик ва радикал қарашларни тарқатиш орқали жаҳолатга ундаш ҳолатлари пайдо бўлаётганига Президентимиз алоҳида урғу бериб, бундай вазиятда жамиятимизда жаҳолатга қарши маърифат билан курашишни кучайтириш, эҳтиёткорлик ва огоҳликни ошириш, конфессиялараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда бағрикенглик маданиятини ривожлантириш лозимлиги таъкидланди.

Президентимиз миллатимиз зиёлиларидан янада фаол бўлишга, жамиятда бузғунчиликнинг ҳар қандай кўринишда намоён бўлишига нисбатан муросасизлик муҳитини яратишда, бузғунчи мафкураларга қарши иммунитетни шакллантиришда, ҳуқуқий саводхонлик ва ижтимоий жавобгарлик ҳиссини оширишда, тинчлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашда янада фаол бўлишга, ўзларининг маънавий фазилатлари билан бошқаларга ўрнак кўрсатишга чақирди.

Миллий тил авлодларни бир-бири билан боғлаб турадиган силсиладир, бу силсилани узиш ўз илдизига болта уриш билан баробар ҳисобланади. Миллий тил йўқликка маҳкум этилдими, миллатнинг маънавий пойдеворига дарз кетади, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий робита йўқолади. Тил нафақат муомала воситаси, балки халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихи, энг муҳими мустақиллик белгисидир. Буни чуқур англаган Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки дамларидан ўзбек тилининг равнақига алоҳида эътибор қаратди, унинг нуфузини ошириш бўйича амалий ишлар бошланди. Унинг мантиқий давоми сифатида мазкур йиғилишда ҳам ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Қувонарлиси шуки, "ўзбек тили ва адабиёти" фани ўқитувчиларига ҳам халқаро сертификатга эга бўлган бошқа фан ўқитувчиларидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча ҳақ тўланиши, ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ўтказилиши, ғолиб ва совриндорлари пул мукофоти билан тақдирланиши ҳамда олийгоҳларга ўзбек тили филологияси йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши каби таклифларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ёшларимизда фахр ва ифтихор туйғусининг янада ривожланишига, ўзбек тилимизнинг қадр-қимматининг ошишига, ҳайбатининг юксалишига, унинг жаҳон тиллари ўртасида нуфузи ва обрўси ошишига хизмат қилади.

Соғлом, билимли, маданиятли ёшлар мамлакат тараққиёти ва келажагини белгилаб берувчи ҳамда жамиятда ижобий ўзгаришларни амалга оширишда ҳаракатлантирувчи кучдир. Ўз навбатида, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс этиб тарбиялаш эса таълим соҳасида олиб борилаётган бугунги ислоҳотларнинг натижасига боғлиқ. Ўзбекистоннинг бу борадаги позициясини эса давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари ифодалайди: "Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ".

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№99 (752) 2023 йил 26 декабрь

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

◀ 1-бет

# Самарқандда сайёр қабул ташкил қилинди

**Самарқанд шаҳрида ташкил қилинган сайёр қабулда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов, Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Азиз Ҳалилов ҳамда Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерлик хизмати бўлими бошлиғи Улуғбек Раҳимов, шунингдек, Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Лазиз Ҳамидов, вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи Умар Мирзаевлар қурилиш ва коммунал масалалар билан боғлиқ мурожаатларни ўрганишди.**



Дастлаб, "Perfect crystal water" МЧЖ раҳбари А. Раҳматов Самарқанд шаҳрида кўп қаватли уйлар қурилишини бошлагани ва айни пайтда лифт етказиб беришда муаммога дуч келаётганини маълум қилди. Яна бир мурожаат эгаси М. Умаров ҳам кўп қаватли уйларга ўрнатилган лифт қурилмаларининг тегишли ташкилотлардан сертификат тақдим этилмаётганидан шикоят қилди. Вазир ўринбосари ушбу мурожаатларни ўрганиб, ижобий ҳал этиш юзасидан ўз фикрини билдирди. Яна бир мурожаатчи Э. Суяров "Мензура тасвир сервис" МЧЖ эгаси эканлигини таъкидлаб, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими орқали тендер савдоларида иштирок эта олмаётганини билдирди. Тоир Алиматов мурожаатга жавоб берар экан, ушбу платформада инсон омилининг аралашувига мутлақо чек қўйилганлиги ва барча жараёнлар ташкилотлараро интеграция қилинганлигини тушунтирди. Масъулларга муаммонинг сабаби айнан қандай омилларга боғлиқ эканлигини аниқлаш бўйича топшириқ берди.

– Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало, одамлар ва халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг ҳаётий муаммо ҳамда эҳтиёжларини яхши билиш муҳим аҳамиятга эга, – деди вазир ўринбосари. – Соҳага оид муаммоларни жойида ўрганиб, ҳал қилиш орқали эса халқимизнинг давлат идораларига, эртанги кунга ишончини оширамиз. Шундай экан, бу йўлда сусткашликка йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ.

Сайёр қабул давомида кўп квартирали уйлардан хонадон харид қилган ҳамюртларимиздан ҳам мурожаатлар билдирилди. Хусусан, М. Абдиев ҳамда О. Ҳакимов Самарқанд шаҳри Ибн Сино кўчасида жойлашган "Сервис Улуғбек Юлдузлари" МЧЖ томонидан қурилаётган турар жой биносининг фойдаланишга топшириш муддати кечикаётганлигидан норозилигини билдирди. А. Шавкатов эса "Марди бунёдкор қурилиш" МЧЖ лойиҳа ташкилотининг рейтинги "Шаффоф қурилиш" платформасининг тендер бўлимида нима сабабдан кўринмаётганига қизиқди. Унинг таъкидлашича, ташкилот шу сабабли тендерда қатнаша олмаяпти. И. Мўминов Самарқанд шаҳри Туркистон кўчасида "Флоренция Самарқанд" МЧЖ томонидан ноқонуний қурилиш олиб борилаётгани юзасидан ўз эътирозларини билдирди. Унинг айтишича, лойиҳа ҳужжатларида 7 қаватли бино қурилиши назарда тутилган бўлсада, жойида 12 қаватли қилиб кўтарилмоқда.

Мазкур мурожаат масъуллар иштирокида жойига чиқиб ўрганилди. Аниқланишича, чиндан қурилишда қоидабузарликка йўл қўйилган, тегишли ташкилотларнинг рухсати ва келишувисиз бино 12 қаватгача кўтарилган. Шу кунга қадар Самарқанд вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан қурилиш ишлари ён-атрофда истиқомат қилувчи хонадонларни кўчирмай иш бошлангани, ишчи-ходимларнинг меҳнат ва техника хавфсизлиги талаблари бажарилмагани, инспекциядан қайта рўйхатдан ўтмасдан қурилиш ишлари бошлангани учун объектдаги қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш бўйича ёзма кўрсатма берилган. Ҳозирда объектдаги қурилиш ишлари вақтинча тўхтатилган. Тегишли тартибда ўтказиладиган инструментал кўрикдан сўнг бинонинг техник ҳолати хусусида аниқ хулосага келиш мумкин бўлади.

# Форум қизғин руҳда ўтди

**Ҳилола ИСМАТОВА**, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ёшлар бор жойда ҳамиша янгилик, ташаббуслар, яратувчанлик, орзу ва мақсадлар сари интилиш бўлади. Шиддат билан ривожланаётган даврда айнан ёшларнинг уйғоқ ва илғор ғоялари, ташаббуслари юксак баҳога эга. Бугун қайси соҳага қараманг, мутахассисларнинг аксарияти ёшлар эканлигидан кўз қувонади.**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида ташкил этилган "Ёш архитекторлар форуми" ҳам ана шундай ташаббускор, ўз ишига креатив ёндашган, янги ғоя ва интилишларга эга ёшларни бир жойга жамлади. Унда Қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish respublika markazi" DM Навоий вилояти филиали мутахассислари, вилоятда фаолият олиб бораётган лойиҳа ташкилотлари, ёш архитекторлар ҳамда муҳандислар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққан бошқарма бошлиғи Акбар Ниёзов 2023 йил соҳада олиб борилган ишлар ҳамда 2024 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган режа ва мақсадлар ҳақида гапирди.

Шунингдек, очиқ мулоқот тарзида ўтказилган форумда бажарилган ва келгусидаги йирик лойиҳалар, бош режалар, мақсад ва вазифалар, архитекторлар ўртасида ўтказилаётган танловлар ҳақида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди. Йил давомида ўзининг фаоллиги ва ташаббускорлиги билан намуна бўлган ёшларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Айниқса, тадбир давомида вилоятда қурилиши кўзда тутилган йирик лойиҳалар кўргазмаси намойиш этилгани барчада катта қизиқиш уйғотди.

# "Veolia Energy Tashkent" – пойтахт аҳлига қулайлик яратишда давом этмоқда

**Райҳона ХЎЖАЕВА**, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Декабрь ойининг совуқ кунларида маҳаллий қозонхоналар эҳтиёжлари учун 31 та генератор ўрнатилди. Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда "Veolia Energy Tashkent" компанияси бош муҳандиси ўринбосари Икром Исоқов маълум қилди.**




"Veolia Energy Tashkent" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 594-сонли қарори асосида 2022 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимининг оператори сифатида фаолият юритиб келмоқда. Шундан буён компания Тошиссиққуввати бошқаруви остида бўлган функцияларни бажариш ва активларни бошқариб келмоқда. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида қиш мавсумини беталофат ўтказиш, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларига мунтазам равишда иссиқлик таъминотини етказиб бериш учун корхона томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, куз-қиш мавсумига тайёргарлик режаси асосида авария ҳолатларини олдини олиш мақсадида 66 километр эскирган қувурлар алмаштирилди. Иссиқлик йўқотишларни камайтириш учун 31 км изоляция қопламалари янгиланди. Кўп қаватли уйларнинг иссиқлик тизимини яхшилаш мақсадида 2 та насос станцияси ва 2 та маҳаллий қозонхона қурилиб, 6 та насос станцияси ва 27 та қозонхона мукаммал таъмирланди. Айни пайтда Бектемир ва Сергели туманларида умумий қуввати 41 Гкал/соат очиқ иссиқлик таъминоти тизимидан ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимига ўтиш бўйича Пилот лойиҳаси доирасида замонавий қозонхоналар қурилмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги 9045 та кўп қаватли уй ва 998 ижтимоий соҳа объектини иссиқлик билан таъминлаш мақсадида "Тошкент иссиқлик маркази" балансидаги 9 та иссиқлик маркази, "Тошкент иссиқлик электр маркази", "Veolia Energy Tashkent" корхонасига тегишли 3 та иссиқлик маркази ва 214 та маҳаллий қозонхона орқали суткада 40000 Гкал иссиқлик ишлаб чиқарилади. Корхонага тегишли маҳаллий қозонхоналарда захира электр таъминоти учун қуввати 25 Дан 350 кВт ли 46 та дизель генератор мавжуд бўлиб, ҳозирги совуқ кунларда компания томонидан маҳаллий қозонхоналар эҳтиёжлари учун 31 та генератор ўрнатилди.

– Генераторлар компаниянинг маҳаллий қозонхоналари ишлашини таъминлашга мўлжалланган, – деди Икром Исоқов. – Ушбу генераторлар электр таъминоти узилган вақтда қозон ускунасининг узлуксиз ишлашини таъминлайди. Яқинда компаниямиз томонидан электр таъминотида узилиш юз берган Олмазор туманидаги 1- ва 111-мактабни иссиқлик билан таъминловчи маҳаллий қозонхоналарга умумий қуввати 210 кВт бўлган 2 та генератор ўрнатилди. Бундан ташқари, компаниянинг ҳар бир туман бўлимида электр таъминоти узилиб қолганда тезкор ҳаракат қилиш учун захира генератори ҳам мавжуд.

Қиш мавсумини беталафот ўтказиш ва аҳоли мурожатларини тезкорлик билан бартараф қилиш учун ҳар бир туманда "Veolia Energy Tashkent" диспетчерлик таъминоти ва созлаш бошқармаси (ДТСБ) фаолият юритмоқда. Мавсумий совуқ ҳавода ДТСБ ходимлари кечаю кундуз оператив ишларни амалга оширяпти. Улар иссиқлик манбаларининг (қозонхоналар) ишлашини ва иссиқлик тармоқларининг гидравлик иш режимини сақлашини назорат қилмоқда. Иссиқлик таъминоти тизимининг ишлашидаги оғишларга корхонанинг туман бўлимларини хабардор қилган ҳолда жавоб беради. Маҳаллий қозонхонанинг электр таъминотидан узилгани ҳақидаги маълумотларни марказлаштириб, мобил генераторларни муаммоли жойларга тақсимлашни мувофиқлаштиряпти. Фуқаролар томонидан, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар орқали кирувчи сигналларни марказлаштириш орқали туман бошқармалари ўз вақтида маълумот олади ва унга тезда жавоб беради.

Шунингдек, авария ҳолатларини тезкорлик билан бартараф қилиш учун 264 нафар ходимдан иборат 22 та авария тиклов гуруҳи ва 74 та махсус техника мавжуд. Туман бошқармаларида авария ҳолатларини бартараф қилиш учун моддий материал захира ҳам яратилган. Ҳозирги кунда 4 та авария ҳолати бўйича авария тиклов гуруҳлари томонидан бартараф этиш ишлари амалга оширилиб, муаммолар тезкорлик билан бартараф этилмоқда.

# Кўп қаватли уй-жойларда мавсум қандай ўтмоқда?

**АОКАда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан "Кўп қаватли уй-жойларда иссиқлик таъминотини янада яхшилаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича амалга оширилган ишлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда вазирлик бошқарма бошлиғи Обиджон Мўминов иштирок этиб, юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.**

Таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 сентябрдаги 581-Ф/49-сонли фармойишига асосан, Республика иқтисодиёт тармоқлари, саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш объектлари, кўп квартирали турар жой фонди ва ижтимоий соҳани 2023/2024 йиллар куз-қиш даврида энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида Республика ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқланган. Айни пайтда Республика ишчи гуруҳи томонидан 2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари, аҳоли ва кўп квартирали уй-жой фондининг энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини узлуксиз таъминлаб бериш бўйича кунлик ишлар мониторинги олиб борилиб, йўл қўйилган камчиликларни тезкор бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

2023/2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида республикадаги 5 593 та кўп квартирали уйни таъмирлаш режалаштирилган эди. Бугунги кунда 5 615 та таъмирталаб кўп қаватли уйлар ҳолати яхшиланди. Бунда уйларнинг том қисми, кириш йўлаклари, электр тақсимловчи шитлар, ертўла қисмидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари таъмирланди ҳамда кодли қулфли темир эшиклар ва фрамуга ойна ромлар ўрнатилди. 4 855 та кўп қаватли уйдаги кириш йўлакларига ҳаракат датчикли лампалар ўрнатилиши натижасида бир суткада 73,5 минг кВт соат электр энергияси иқтисод қилишга эришилмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳар туманларига бириктирилган вазирликнинг ишчи гуруҳлари жойларга чиққан ҳолда, кўп квартирали уйларни 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлигини кўздан кечириб, мавжуд муаммоларни ўша жойни ўзида бартараф этишмоқда. Тошкент шаҳридаги 12 та туманида 585 та маҳалла, 173 707 та якка тартибдаги хонадон, 11 077 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларда 3 млн нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ишчи гуруҳ томонидан Тошкент шаҳрининг барча туманларида кичик ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа ва бошқа объектлар ҳолати "маҳаллабай" ўрганилди. Аниқланган муаммоли масалалар бартараф этилди. Қолаверса, туманларда 2023-2024 йиллар кўп қаватли уй-жой фондида куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш учун зарур материал захиралари ҳам шакллантирилди.

# Зилзилалар ҳақида хабар берувчи тизим ишга тушди




**Фанлар академиясининг Сейсмология институти томонидан ишлаб чиқилган кучли зилзилалар тўғрисида барвақт хабардор қилиш услубиёти асосида миллий тизим тест режимида ишга туширилди. Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази бошлиғи Қаҳрамон Қўчқоров маълум қилди.**

Таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 майдаги 158-сонли қарорининг 1-бандида Фавқулодда вазиятлар вазирлигига 2023 йил 1 декабрдан бошлаб республикада кучли зилзилалар ҳақида эрта огоҳлантириш миллий тизимини босқичма-босқич ишга туширилиши вазифаси юклатилган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, 2023 йил 10 июнда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фанлар академияси ва Рақамли технологиялар вазирлигининг малакали мутахассисларидан иборат идоралараро ишчи гуруҳ шакллантирилди. Ишчи гуруҳ томонидан Япония, Мексика, АҚШнинг Калифорния, Италия, Канада ва Корея Республикасининг тажрибалари ўрганилди. Ўрганиш натижаларига кўра, республикада кучли зилзилалар ҳақида эрта огоҳлантириш миллий тизимини 3 босқичда амалга оширилиши белгиланди.

1-босқич 2023 йилда Фанлар академияси Сейсмология институти томонидан ишлаб чиқилган кучли зилзилалар тўғрисида барвақт хабардор қилиш услубиёти асосида миллий тизимни тест режимида ишга тушириш;

2-босқич 2024 йилда Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан харид қилинган 40 дона акселерометрларни сейсмик фаол зоналарга ўрнатиш, сейсмик станциялар сонини 100 тага етказиш ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикалари билан ўзаро англашув меморандумлари асосида станциялар маълумотларини тўғридан-тўғри алмашиш ҳамда Марказий Осиё кучли зилзилаларни қайд этиш тармоғини яратиш;

3-босқич 2025 йилларда жамғарма маблағлари ҳисобидан янги акселерометрлар харид қилиш ҳамда сейсмик кузатувлар тармоғи станциялари сонини 200 тага етказиш, шунингдек, кучли зилзилаларни қайд этиш тармоғини Халқаро кузатувлар тармоғига интеграциялаш ҳамда Германиянинг Seiscomp дастурий таъминоти ёрдамида эрта огоҳлантириш тизимини тўлиқ ишга туширишдан иборат.

– Ҳозирги кунда тизимнинг 1-босқичи тугатилиб, тест режимида ишга туширилди, – деди Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази бошлиғи Қаҳрамон Қўчқоров. – Яъни, 1-босқич доирасида Фанлар академияси Сейсмология институти томонидан ишлаб чиқилган услубиёт асосида яратилган кучли зилзилаларни қайд этувчи жами 9 та акселерометр республика бўйича Фарғона, Наманган, Андижон, Жиззах, Самарқанд, Бойсун, Нурота, Газли, Пачкамар станцияларига ўрнатилди. Ҳозирда қарорда белгиланганидек, сейсмик станцияларда МСК-64 шкаласи бўйича 5 ва ундан юқори баллик зилзила кучи қайд этилганда, сейсмик маълумотлар махсус дастурлар орқали автоматик тарзда таҳлил қилинади ҳамда зилзиланинг Тошкент шаҳрига етиб келиш вақти ҳақида хабар келади. Ушбу тизим ҳозирда синов тариқасида кўриб чиқилиб, маълумотлар аниқлиги ва хатоликлари текширилияпти.

Бундан ташқари, ҳозирда Швейцариянинг Сейсмологик хизмати (SED) ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази ўртасида Ўзбекистонда эрта огоҳлантириш тизимини ишга тушириш бўйича келишувга эришилди. Шунингдек, "Кучли зилзиладан огоҳлантириш" мобил иловаси ҳам ишлаб чиқилган. Зилзиладан эрта огоҳлантириш тизими тўлиқ ишга туширилиб, текширилгандан сўнг, мобил илова орқали аҳолига қисқа сонияларда республиканинг аниқланган ҳудудларида кучли зилзила кузатилиши тўғрисида тезкор хабарнома юборилади.

# Юксак мақсадлар сари муҳим қадам ташланди

**Шавкат ШАРИПОВ,** Ўзбекистон география жамияти раиси ўринбосари, география фанлари доктори.



**Яқинда пойтахтимизда Туркий давлатлар географик кенгаши томонидан Туркий давлатлар ташкилоти ҳамкорлигида “Туркий халқлар тарихида Туркистоннинг ўрни” мавзусида “Илмдан бошқа нажот йўқ” шиори остида халқаро конференция ташкил этилди. Конференциядан кўзланган асосий мақсад – туркий халқларнинг минг йиллар аввал шаклланган тарихини янада чуқурроқ ўрганиш, сиёсий, иқтисодий, маданий, географик ўтмишини талқин қилиш, миллий-маданий ўзлигига таяниб муштарак тарихини ёзиш, бирлик ва қардошлик ғоясига хизмат қиладиган манбаларни яратиш ва келажак авлод учун етказишдир.**




Унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган олимлар, олий таълим муассасалари, шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти ва эксперт ҳамжамиятларининг қирқдан зиёд вакили ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Туркий давлатлар географик кенгаши бош котиби, иқтисод фанлари фалсафа доктори Ойбек Норинбаев тадбирни очиб берди ва ўз нутқида Туркий давлатлар ташкилотининг Остона саммити “Туркий давр” шиори остида ўтказилиши Самарқанд саммитининг ўзига хос мантиқий давоми бўлганлигини таъкидлади. Унда сўзга чиққан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқини буюк аждодимиз – қадимий турк давлати асосчиларидан бири Билга Хоқоннинг “Эй туркий элим, ўзлигингга қайт, ўзингни англа – янада юксалгайсан!” даъвати билан бошлаганлигини ҳам айтиб ўтди. Саммит давомида қабул қилинган Остона Декларациясида давлат раҳбарлари туркий давлатчилик ва тарих, туркий халқларнинг бой маданий меросини тараннум этишга қаратилган конференция ва форумлар ўтказилишини олқишлаганлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

– Ушбу тадбир туркий халқларнинг муштарак тарихини ўзаро англаш, миллий-маданий ўзлик асосида бирлик ва қардошлик ғоясига хизмат қиладиган объектив манбаларни аниқлаш ҳамда тадқиқ қилиш, уларни келажак авлодга етказиб беришни кўзда тутади, – деди Ойбек Норинбаев. – Шунингдек, мазкур конференция ёшларимизга ота-боболаримиз тарихда буюк давлатлар барпо этганликларини эслатиш орқали уларда фахр ва ифтихор туйғусини кучайтиришга туртки бўлади, деган умиддамиз. Қолаверса, туркий давлатларнинг етук олимларини бир жойга жамлаган бу каби платформалар мутахассислар ва тарихчилар ўртасида ўзаро маълумот ва тажриба алмашиш ҳамда истиқболда амалга оширилиши мумкин бўлган қўшма лойиҳалар ҳақида келишиб олиш имконини беради.

Ушбу юксак мақсадларга мос равишда жорий йилда яна бир муҳим қадам ташланди: Ўзбекистон география жамияти ташаббуси билан Туркий давлатлар география кенгаши ташкил этилди. Мазкур кенгашнинг мақсад ва вазифалари ҳам умумий маконимиз ҳисобланган ушбу ҳудудларда ўзаро қардошлик, ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничилик руҳини қарор топтиришдир. Шунингдек, қардош халқлар ўртасида ўзаро алоқаларни кенгайтириш, ёшлар орасида илм-фанни оммалаштириш, умумий тарихимизнинг муқаддас қадамжолари ва объектларига аҳолини, айниқса, ёшларни жалб қилган ҳолда география ва геотуризм соҳаларини ривожлантиришдан иборат.

Халқаро конференциянинг амалий натижаси сифатида маърузачи олимлар ва иштирокчиларнинг илмий мақолаларини алоҳида тўплам шаклида нашр этишга келишиб олинди. Шу билан бир қаторда, конференция доирасида Туркий давлатлар география кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Туркий Давлатлар котибияти ҳамда Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникация университети билан ҳамкорликда туркий давлатларнинг бир қатор олимлари иштирокида “Туркий дунё хартияси”ни ишлаб чиқиш белгиланди ва “Табаррук зиёрат” мавзусида давра суҳбати ҳам ташкил этилди. Давра суҳбати жорий йил Остона саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Туркий дунё хартияси” лойиҳасини тайёрлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Туркий дунё хартияси”ни ўзига хос рамзий қомусини соҳанинг етук олимлари ва экспертлари иштирокида тайёрланиши лозимлигини алоҳида таъкидлагани давра суҳбатининг диққат-эътиборида бўлиб, бу борада амалий таклифлар ишлаб чиқилишига келишиб олинди. Шу билан бирга, Ойбек Норинбаев Туркий давлатлар география кенгаши, Туркий давлатлар ташкилоти ва Ўзбекистоннинг тегишли идоралари билан ҳамкорликда “Табаррук зиёрат” лойиҳаси бўйича юртимизда жойлашган муқаддас масканларнинг электрон харитасини тузиш бўйича ўз таклифларини айтиб ўтди. Шунингдек, давра суҳбатида Ўзбекистон география жамияти аъзоси, Ўзбекистон Миллий университети картография кафедраси таянч докторанти Суннат Уврайимов “Ислом маданий мерос объектларининг интерактив веб хариталарни яратиш масалалари Ўзбекистон мисолида” мавзусидаги маърузаси билан иштирок этди. Айни пайтда ушбу интерактив веб харита тест режимида ишга туширилган бўлиб, ундан фойдаланиш ва унинг интерфейс кўриниши давра суҳбати иштирокчиларига таништирилди. Бу дастурга эса, ўз навбатида, қардош давлатлар олимлари томонидан илиқ фикрлар билдирилиб, уни биргаликда янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

Бир сўз билан айтганда, халқаро конференция доирасида бўлиб ўтган барча тадбирлар туркий халқларнинг муштарак тарихини ўзаро англаш, миллий-маданий ўзлик асосида бирлик ва қардошлик ғоясига хизмат қиладиган объектив манбаларни аниқлаш, тадқиқ қилиш, тегишли таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни келажак авлод учун етказиб беришга хизмат қилади.

# Мутахассислар малакаси қандай оширилмоқда?

***Жалолиддин МАҲМУДОВ,*** ТАҚУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказининг халқаро ҳамкорлик бўйича мутахассиси.

**Қурилиш индустрияси жадаллик билан ривожланаётган бир пайтда соҳада малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиши табиий ҳол. Чунки қурилиш-бунёдкорлик ишларининг сифатли амалга оширилишида билимли ва тажрибали ходимларнинг ҳиссаси катта. Шу боис, бугунги кунда юртимизда ҳам бу масалага катта эътибор қаратилмоқда.**

Хусусан, Тошкент архитектура-қурилиш университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази фаолияти ҳам шу мақсадда йўлга қўйилган. Муассаса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори асосида ташкил қилинган. Марказ архитектура, қурилиш, муҳандислик ва коммунал хўжалиги соҳалари бўйича олий ва профессионал таълим тизими педагог кадрларини, шунингдек, соҳа мутахассисларини қайта тайёрлайдиган ҳамда уларнинг малакасини оширадиган давлат таълим муассасаси ҳисобланади.

Унинг асосий вазифаларига шунингдек, тингловчиларни қабул қилинаётган янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охирги ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллашнинг замонавий талаблари ҳамда ушбу соҳадаги хорижий давлатлар тажрибаси билан яқиндан таништириш ҳам киради. Бундан ташқари, марказ ўқув, илмий-методик ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш учун республиканинг етакчи таълим, илмий-тадқиқот муассасалари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларининг тажрибали олимлари, экспертларини жалб этиш вазифаларини ҳам амалга оширади.

Шунингдек, тармоқ марказида маърузалар, амалий ва семинар машғулотлари, кўчма машғулотлар, тажриба алмашиш бўйича маҳорат дарслари, мустақил иш ва бошқа турдаги машғулотлар ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш тизими ҳам қўлланилади. Ўқув жараёни тингловчиларнинг асосий иш фаолиятидан ажралган ҳамда масофавий (асосий иш фаолиятидан ажралмаган) ҳолда олиб борилади. Хусусан, қайта тайёрлаш 4 ойдан кам бўлмаган муддатда (576 соат), малака ошириш эса умумий ҳажми 18 соатдан кам бўлмаган муддатда ташкил этилади. Таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш ҳамда малака ошириш ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш мақсадида уларни амалиёт билан чамбарчас боғлаш ва йирик ташкилотларда кўчма машғулотлар ташкил қилиш мақсадида 15 дан ортиқ корхона билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган.

Қолаверса, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида машғулотлар олиб бориш учун хорижий мутахассисларни шартнома асосида, шунингдек, соҳадаги етакчи профессор-ўқитувчилар, маҳаллий конструкторлик-технологик муассасалар ва республикадаги йирик лойиҳалаш ташкилотларининг тажрибали амалиётчи мутахассисларини таклиф этган ҳолда курсларни ташкил этиш йўлга қўйилган. Ўқув фаолиятига профессор-ўқитувчиларни жалб этишда уларнинг хорижда малака оширганлиги ва стажировкадан ўтганлигига эътибор қаратилади. Хусусан, биргина 2023 йилда 38 нафар профессор-ўқитувчилардан 15 нафари Қозоғистон, Жанубий Корея, Хитой, Португалия, Беларуссия каби хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтишди.



Тингловчиларга қулай шароит яратиш мақсадида ҳар бир ўқув хонаси компьютер, видеопроектор ҳамда мебеллар билан жиҳозланган. Компьютер хоналари янги русумдаги замонавий компьютерлар билан жиҳозланиб, локал ва ташқи интернет тармоғига уланган. Профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг интернет тармоғидан фойдаланиши учун тўлиқ шароит яратилган. Таълим сифатини ошириш мақсадида ўқув аудиториялари ва лабораториялари мутахассисликка мос ҳолда жиҳозланган.

Яна бир жиҳат, марказда халқаро фаолият ҳам йўлга қўйилган. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш, хорижий ҳамкорлар билан шартномалар тузиш, тегишли халқаро ташкилотлар билан белгиланган тартибда ўзаро манфаатли асосда илмий ахборотлар алмашиш ишлари самарали ташкил этилмоқда. Шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар амалга оширилади. Тингловчилар учун ўқув жараёнининг муайян қисмини ва профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириши ва тажриба орттиришини етакчи хорижий илмий ва ўқув марказларида, фирма ва халқаро ташкилотларда мустақил равишда ташкил этиш имкони мавжуд.

Муҳими, бу ерда чет эл фуқароларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, марказ профессор-ўқитувчилари ва тингловчиларининг хорижий давлатлардаги ўқув ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ҳамда тажриба орттириши халқаро шартномалар, давлат органлари ўртасида тузилган битимлар асосида амалга оширилади. Хорижий ҳамкорлик бўйича ҳам белгиланган тартибда халқаро алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, бу борадаги амалий ишлар изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, Белорусь миллий техника университети билан англашув меморандуми мавжуд. Яқинда марказга ташриф буюрган профессор Kyeong Sik Woo ташаббуси билан Жанубий Кореянинг Чунгбук миллий университети ҳамда марказимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, ўқув жараёнларига нуфузли чет эл университетлари вакилларини жалб қилиш ва ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзолаш ҳамда бу орқали таълим жараёнига хорижий тажрибаларни жорий этиш таълим сифатини оширишга катта ҳисса қўшмоқда.

# Кадастр хизмати сифати яхшиланади

***Жасур АСҚАРОВ,*** Кадастр агентлигига қарашли Давлат картография-геодезия фонди раҳбари.

**Ер масаласи қадимдан энг долзарб ва муҳим ҳисобланган. Чунки ер инсониятнинг бошпанаси, яшаши учун восита, шунингдек, табиатнинг ажралмас қисмидир.**

Ҳозирги вақтда жаҳондаги барча мамлакатларда кадастр маълумотларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда. Кадастр табиий ресурслардан фойдаланиш, муҳандислик фаолияти, экологик ва ижтимоий ҳодисаларни ҳисобга олиш ҳамда турли ҳолатларни баҳолаш тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Кадастр хизмати шароити бир хил бўлган ҳудудий бирликларни ажратиш, уларни харитага тушириш, сифат ва миқдор тавсифларидан фойдаланган ҳолда тарифлашга мўлжалланган.

Республикамизда ер муносабатларини тартибга солишнинг бош йўналиш ва тамойилларини белгиловчи энг муҳим қонуний ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ҳисобланади. Унинг бошидан охиригача ерга нисбатан ниҳоятда тежамкорлик билан хўжалик муносабатида бўлиш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида имкон қадар муҳофазалаш ва оқилона фойдаланиш руҳи сингдирилган. Ушбу кодекснинг биринчи моддасида қайд этилганидек, “Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистан Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади”.

Дарҳақиқат, юртимизда сўнгги йилларда ушбу соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, топографик ўлчовлар учун Кадастр агентлиги ерни фазодан туриб кузатиш, шунингдек, ер юзасини суратга олиш мақсадида махсус самолёт ва аэрофотокамера ҳамда 112 та дрон билан таъминланди. Соҳани рақамлаштириш учун 6 та ахборот тизими ва маълумотлар маркази ишга туширилган. Бундай ижобий ёндошувлар туфайли ўтган уч йилда 96 фоиз ернинг электрон харитаси яратилди. 40 миллион гектар ер майдони ва ундаги ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ҳамда ижарачилар рўйхатга олиниб, солиқ билан боғланди. Аввал ҳисобланмаган 790 мингга яқин қўшимча қурилма тизимга киритилди. Натижада бюджетга 1,1 триллион сўмлик фойда келтирилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 27 октябрь куни ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматларини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Йиғилишда Президентимиз Ўзбекистонда 2 миллион 600 мингта аҳоли хонадонининг кадастр ҳужжатлари йўқлигини айтиб, ушбу масалани узил-кесил ҳал қилиш юзасидан топшириқ берди. Бундан ташқари, аҳоли томонидан томорқа учун кредит, субсидия ҳамда уй-жойини кенгайтиришга ипотекадан фойдалана олмаётгани ҳақида Халқ қабулхоналарига мурожаатлар тушаётганлиги, устига устак, кадастри бўлмагани учун ер солиғи 3 карра ошиқча ҳисобланаётганлиги юзасидан танқидий фикр билдирилди.

Шу боис, Президент Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси ва Кадастр агентлигига ишчи гуруҳларини шакллантириб, ишларни бошлашни топширди. Мутасаддиларга республиканинг барча ҳудудларида кадастри йўқ хонадонлар масаласини узил-кесил ҳал қилиш учун алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, муҳокамага киритиш вазифаси қўйилди. Янги қонун қабул қилингунига қадар бу уй-жой эгаларига уч карра оширилган солиқ қўллашни тўхтатиб туришга қарор қилинди.

Кадастр йиғмажилдини тайёрлаш муддати кадастр объектининг мураккаблигига қараб, уни тайёрлаш бўйича шартномада белгиланади ва бир ойдан ошмаслиги керак. Аризачи билан келишган ҳолда кадастр йиғмажилдини тайёрлаш учун бир ойдан ортиқ муддат белгиланиши мумкин. Ҳужжатда алоҳида ер участкасининг, бино ва иншоотларнинг, кўп йиллик дарахтларнинг кадастр маълумотларини тайёрлаш қоидалари батафсил қайд этилган. Хусусан, ер участкасига бўлган ҳуқуқ рўйхатдан ўтказилган ер участкасида уй-жой қуриш ва уй-жойни реконструкция қилиш тугаллангандан кейин мулкдорнинг аризасига кўра давлат корхонаси 10 кун ичида уй-жойни техник инвентаризация қилади. Белгиланишича, тайёрланган кадастр йиғмажилдида камчиликлар аниқланганда, улар ёзма равишда бир кун ичида ижрочига тақдим этилиб, у камчиликларни кўриб чиқади ва 3 кун ичида кадастр йиғмажилдига тузатишлар киритади.

Бундан ташқари, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 3 ноябрда 2725-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидалари тасдиқланди. Белгиланишича, кадастр йиғмажилди йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда ҳуқуқ эгасининг аризасига кўра давлат корхонаси архивида сақланаётган кадастр йиғмажилдининг тегишли қисмларидан нусха олинади. Ушбу нусхалардан иборат кадастр йиғмажилдининг ҳар бир варағига давлат корхонаси раҳбари томонидан “аслига тўғри” деган ёзув киритилади. Сўнг, имзо қўйилади ва ариза келиб тушган кундан бошлаб 2 иш куни ичида ҳуқуқ эгасига тақдим этилади.

Республикамиздаги эгалик хужжати йўқ хонадонларнинг кадастр ҳужжати қилинса, энг аввало, аҳоли учун ҳуқуқий ва иқтисодий замин яратилган бўлади. Шу боис, ҳужжатсиз уй-жойларга эгалик ҳуқуқини бериш бўйича қонун лойиҳасини якунига етказиш вазифаси ҳам белгиланди. Жорий йилда 1,5 миллион нафар аҳолига сифатли кадастр хизмати кўрсатилди. Шундан 600 мингтаси кадастр йиғма жилди билан боғлиқ. Бу борада Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида тажриба тариқасида хусусий кадастр муҳандиси институти жорий этилди ҳамда 165 та хусусий кадастр муҳандиси фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, аҳолини хусусий секторга жалб қилиш йўлга қўйилмоқда. Фуқаролар истаса, хусусий секторга, истаса давлат идорасига мурожаат қилиши мумкин. Бунинг учун кўчмас мулклар янги “УЗКАД” ахборот тизимига ўтказилади. 2024 йил 1 июлдан республиканинг барча ҳудудларида хусусий кадастр муҳандислари фаолият кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда кадастр хизматлари қамрови ва сифатини ошириш, бунинг учун малакали кадрлар тайёрлаш, соҳани илм-фан билан уйғунлаштириш ва рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳар қачонгина долзарбдир.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№99 (752) 2023 йил 26 декабрь

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ**

# ЭКОШАҲАРДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗҒИН СУРЪАТГА КИРДИ

**Фарғона шаҳрида барпо этилаётган Экошаҳарда қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда.**

300 гектар майдонда 40 минг аҳолига мўлжалланган йўлдош шаҳарчани бунёд этиш лойиҳасининг дастлабки босқичи якуний паллага кирди. Жорий йилда Экошаҳарда жами 73 та кўп қаватли уйлар барпо этилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги кунда 15 таси тўлиқ фойдаланишга топширилди, қолганларида ички пардозлаш ва ташқи фасад ишлари олиб борилмоқда.

Экошаҳар ҳудудида 3 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та умумтаълим мактаби ҳамда битта поликлиника қурилиб, фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирда 4 минг ўринли кўркам амфитеатр қад ростламоқда.

Шу билан бирга, Экошаҳарнинг ички муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиш, иссиқлик таъминоти учун қозонхона қурилиши ҳам якунига етказилди. Ички йўллар, кўп қаватли уйлар ёнида болалар майдончалари, спорт майдончалари, яшил ҳудудлар қуриш ишлари сифатли амалга оширилмоқда.



**Суратда:** Фарғона шаҳрида барпо этилаётган Экошаҳарда қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда.
**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ**

## Намунали МФЙ яна биттага кўпайди

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Наманган вилоятида энг намунали ҳудудга айланган маҳаллалар сони яна биттага кўпайди. "Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла" мезонлари бўйича амалга оширилган ишлар тақдимотида иштирок этган вилоят ҳокими Шавкат Абдураззоқов барча йиғилганларни табриклаб, хонадон эгалари билан суҳбатда бўлди.**




Хусусан, мазкур дастурни жорий этиш бўйича Тўрақўрғон туманидаги Зарбдор маҳалласида жами 2 млрд 807,6 млн сўм маблағ эвазига кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шундан, 1 млрд сўми республика бюджетидан, 1 млд 538,5 млн сўми эса маҳаллий бюджетдан ҳамда 269,1 млн сўми электр таъминоти корхонаси маблағлари ҳисобидандир.

– 674,3 млн сўмга замонавий МФЙ биноси қуриб, фойдаланишга топширилди, – деди туман ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Акмалжон Тўраев. – Маҳалла ҳудудининг кириш қисмида 60 миллион сўмга 2 та рамзий дарвоза (стелла) барпо этилди. Ичимлик суви билан таъминланмаган 514 та хонадонга 6,5 километр тармоқ тортишга 312 миллион сўм сарфланди.

Шунингдек, қуввати 250 кВА бўлган 1 та янги трансформатор ўрнатилиб, 1,4 километр электр тармоғи тортилди. 99 дона янги темир-бетон таянчлар ўрнатилди ва 4 та мавжуд трансформатор мукаммал таъмирланди. Кўчаларга 130 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Бу ишларга 412 млн сўм харжланди. Бундан ташқари, 4 километр ички йўллар шағаллаштирилди, 0,3 километри асфальтланди (258,5 млн сўм). Йил бошида эса Адолат ва Дўстлик кўчаларининг 1,3 километр қисми асфальтланди. Таъкидлаш жоизки, 3,7 километр лоток, ариқ-зовурлар тозаланди. 275 та хонадонга 204 тонна арзонлаштирилган кўмир етказиб берилди. 35 та хонадон таъмирланиб, 625 тасининг ташқи деворлари оқланди ҳамда 20 таси электр тармоғига уланди.

Маҳалланинг собиқ биноси "UN ART BY DESIGN" хусусий корхонасига фойдаланиш учун берилиши натижасида 20 нафар ишсиз аёл доимий иш билан таъминланди. 250 нафар ишсиз фуқаро доимий ва мавсумий ишга жойлаштирилди ва 103 нафари ўзини ўзи банд қилди. Ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига асосан 26 нафар ишсиз хотин-қизга тадбиркорлик фаолиятларини бошлаш учун субсидия асосида тикув машиналари ва қандолатчилик дастгоҳлари топширилди.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**

## 1538 та энергиятежамкор газ ускунаси ўрнатилди

**Ҳилола ИСМАТОВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Айтиш керакки, қишнинг айни шундай совуқ кунларида табиий газга бўлган эҳтиёжи янада ортган. Бу эса табиий газни тежаб ишлатиш, уни беҳуда исроф қилмасликни тақозо этади. Шуни ҳисобга олиб, жойларда энергиятежамкор газ ускуналарини ўрнатиш, уларни афзаллиги юзасидан ҳам кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада "Навоийшаҳаргаз" газ таъминоти бўлими томонидан ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти.**



Маълумот ўрнида келтириш жоиз, жорий йилнинг шу даврига қадар "Навоийшаҳаргаз" газ таъминоти бўлими уй ичи газ жиҳозларига сервис хизмат кўрсатиш бўлими чилангарлари томонидан аҳоли хонадонлари бўйича жами 46 832 та ва 680 та улгуржи истеъмолчи профилактик ҳамда техник тафтишдан ўтказилди. Якунланаётган 2023 йил давомида аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга 31 850 та огоҳлантириш хати ва ис газидан эҳтиёт бўлиш учун махсус эслатмалар тарқатилди.

Бундан ташқари, жорий йил давомида Навоий шаҳри бўйича 1 538 та энергиятежамкор газ горелкаси ўрнатилди.

– Ҳудуддаги Тараққиёт маҳалласида ҳам газ жиҳозларига сервис хизмати кўрсатиб келяпмиз, – деди "Навоийшаҳаргаз" газ таъминоти бўлими уй ичи газ жиҳозларига сервис хизмати кўрсатиш бўлими бошлиғи Соҳиб Аслонов. – Мазкур маҳаллада жами 1 451 та хонадон мавжуд бўлиб, шундан 1 201 та уйдаги газ жиҳозига техник ҳамда профилактик хизматлар кўрсатилди. Шу билан бирга, энергиятежамкор газ ускуналарининг афзаллиги юзасидан доимий тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар маҳалладаги аҳоли хонадонларига 605 дона янги энергиятежамкор горелка ўрнатилди.

– Энергиятежамкор газ ускунасини ўрнатганимиздан буён газ сарфи анча камайганини сезяпмиз, – деди мазкур маҳаллада яшовчи Фарҳод Турниёзов. – Газ тўлови ҳам аввалгига нисбатан камайган. Бу албатта, бизнинг фойдамизга. Қолаверса, хавфсизлик жиҳатдан ҳам қулай. Маҳалламиздаги бошқа истеъмолчиларга ҳам энергиятежамкор газ ускуналаридан фойдаланишни тавсия этган бўлардим.

Газ таъминоти ходимлари томонидан жойларда олиб борилаётган тарғибот тадбирларида нафақат аҳоли, балки улгуржи истемолчиларга ҳам ушбу газ ёндиргичларининг афзалликлари кенг тушунтирилмоқда. Шаҳардаги ташкилотларда ҳам бинони иситишда камхарж ва хавфсиз, қулай газ ёндиргичларга қизиқиш катта.

Бир сўз билан айтганда, олиб борилаётган бу каби тадбирлар табиий газни тежашга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**

## Обод манзилларда орзулар рўёби

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Халқимиз азалдан ободликка интилиб яшаган. Бугун кундан-кунга ўзгача қиёфа касб этиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз кўрки эса уларнинг шу юртга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини янада оширмоқда. Кейинги йилларда ҳаётимизга татбиқ этилган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида юртимиз бўйлаб барча ҳудудларда амалга оширилаётган жадал чора-тадбирлар натижасида аҳолининг йиллар давомида ечилмай келаётган кўплаб муаммолари ҳал этилмоқда.**



Жорий йилда ҳам Президентимиз ташаббуси билан "Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла" мезонларини жорий этиш бўйича жами 70 та, хусусан, Қашқадарё вилоятидаги 4 та "қизил" тоифадаги маҳаллада хатлов ўтказилиб, ҳар бир ҳудуд кесимида муаммоларни бартараф этиш бўйича "Йўл хариталари" ишлаб чиқилди.

Хусусан, Деҳқонобод туманидаги Тоғайтемир маҳалласида ҳам кенг миқёсда муҳандислик коммуникациялари, электр, газ тармоқлари ҳамда ички йўлларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Аҳолига сифатли электр энергияси етказиб бериш мақсадида 197 дона янги темир-бетон устун, 8,4 километр электр линиялари янгидан тортилиб, 2 дона янги 160 кВА трансформатор ўрнатилди. Қолаверса, аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 150 $м^3$ ичимлик сув сақлаш иншооти қурилди. Шунингдек, мазкур ҳудудларнинг қишда лой, ёзда чанг бўладиган 20 километр тупроқ йўллари шағаллаштирилди. Кўчаларга 34 дона тунгги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Янги хонадон эгаларига суюлтирилган газ баллонлар тарқатилди.

Бундан ташқари, ҳудудда ижтимоий соҳа объектларидан – янги маҳалла биноси, китобсеварлар учун янги кутубхона, тикувчилик цехи, савдо ва гўшт дўконлари, сартарошхона ҳамда гўзаллик салони ҳам бунёд этилди.

Дарҳақиқат, "Ободлик кўнгилдан бошланади", дея бежиз айтишмайди. Зеро, обод ва озода манзилда яшаётган кишининг эртанги кунга ишончи ортади. Мухтасар айтганда, "Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла" ташаббуси доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган бу ўзгаришлардан аҳоли ҳам мамнун.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**

## Йўл атрофлари яшилликка бурканяпти

**Ҳамза ШУКУРОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Самарқандда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳажми ниҳоятда катта. Бири биридан салобатли иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратмоқда. Янги турар жойларнинг барпо этилиши эса шаҳарликларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қиляпти. Ҳозирда кўҳна шаҳарнинг бир қатор ҳудудлари янада фаровонлашмоқда.**

Вилоятда кўкаламзорлаштиш, ободонлаштириш масалалари билан бевосита шуғулланадиган бир муассаса борки, ишчи-хизматчиларнинг саъй-ҳаракати туфайли нафақат шаҳар ва қишлоқлар, балки уларни боғловчи йўллар атрофи ҳам ўзгача манзара касб этяпти. "Самарқандйўлкўкалам" муассасасининг бўлим бошлиғи Қодир Пардаев айни дамда амалга оширилаётган ишлари хусусида шундай деди:

– "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятнинг умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари атрофини кўкаламзорлаштириш вазифаси юкланган. Ана шу вазифа доирасида ҳозирга қадар 75 минг донадан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари экилди. Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги ПҚ-330-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкилотимиз томонидан Жомбой, Пахтачи, Самарқанд, Булунғур, Нуробод, Оқдарё, Каттақўрғон, Пайариқ, Қўшработ, Нарпай, Иштихон туманлари йўл ёқаларида катальпа, шумтол (ясень), Япон сафораси, виргин арчаси (можевельник), Шарқ туяси, қайрағоч, калина, Сурия атиргули, магония, терак ва бошқа турдаги манзарали дарахт кўчатларини экиш ва уларни парваришлашга эътибор қаратяпмиз.

Бу борадаги муҳим вазифалардан яна бири – экилган ниҳолларни тўғри парваришлашдир. Шу мақсадда, жойларда артезиан қудуқларини қазиш ишлари ташкил этилди. Бундан ташқари, муассасага тегишли 6 та махсус автомашина ёрдамида ҳам дарахтларни суғориш ишлари амалга ошириляпти.

## Қурилишнинг ўз қоидалари бор

**Бугун Самарқанднинг барча ҳудудларида қурилиш ва бундёкорлик ишлари авжида. Қорасув массивида амалга оширилаётган ишлар эса ҳаммасидан қувончли. Ҳududдаги янги қурилишлар бу ерда ишлаётган бунёдкорларнинг фидокорона меҳнатларидан далолат беради.**

Янги массивда кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектларининг қад ростлаши ҳудуд чиройига чирой қўшиб, аҳоли яшаш шароитининг янада яхшиланишига йўл очмоқда. Лекин фаровонликнинг муҳим шарти бўлган ана шу бунёдкорликларнинг барчасида қурилиш меъёрларига амал қилинаяптими? Иш жараёнида сифатга етарлича эътибор қаратиляптими?

– Шу массивда бунёдкорлик ишларини олиб бораётган "Улуғ сиймо қурилиш" МЧЖ фаолияти билан танишганимизда турар жой биноси барпо этилиши жараёнида қурилиш меъёрларидан четлашилгани аниқланди, – деди вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот хизмати раҳбари Сарвар Бобоназаров. – МЧЖ қурувчилари лойиҳада кўрсатилган қоидаларга тўлиқ амал қилмаган. Масалан, белгиланган жойларда ғишт ўрнида газоблокдан фойдаланишган. Бу кўпроқ ташқи деворлардаги жойларда учрайди. Уларда армокаркаслар учун ҳимоя қатлами қолдирилмаган, терилган ғиштларнинг айрим жойлари сифатсиз, вертикал ва горизантал чоклари қоришма билан тўлиқ тўлдирилмаган. Лойиҳа бўйича хоналарни бўлиб турувчи пардадеворларда ғиштдан фойдаланиш кўрсатилган. Аммо иш жараёнида бунга амал қилинмаган. Бунинг ўрнига сертификатга эга бўлмаган материаллар ишлатилган.

Бундан ташқари, объектда қурилиш материалларини сақлаш учун махсус омборхоналар ташкил қилинмагани оқибатида арматуралар коррозияга учрамоқда. Техника хавфсизлиги қоидаларига умуман амал қилинмаяпти. Ишчилар махсус кийимлар билан таъминланмаган. Умуман олганда, қурилиш майдонида ишчилар учун етарли шароит яратилмаган, объект ҳудуди қурилиш чиқиндиларидан тозаланмаган.

Мутахассисларнинг фикрича, қурилишда техник, муаллифлик ва ички назорат олиб борилмаган. Бу эса юқоридаги қоидабузарликларнинг келиб чиқишига имконият яратган. Аниқланган камчиликлар инспекция ходимлари томонидан назоратга олинди. Қурилиш-пудрат ташкилоти масъулларига камчиликларни бартараф этиш юзасидан ёзма кўрсатмалар берилди.

Демак, ҳар қандай бунёдкорликнинг ўз қонун-қоидаси бор. Уларни бузишга, белгиланган меъёрларга амал қилмасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

## Маънавият ва маърифатга бой уммон

**– Эришаётган ютуқлар, тўпланган муаммолар ва уларнинг ечими, барча ижобий ўзгаришларни биринчи галда мактаб билан боғлаш адолатли бўлади, – деди Самарқанд туманидаги 10-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори Холида Шамсиддинова. – Негаки, ҳеч бир соҳани мактабсиз тасаввур қилолмаймиз. Энг илғор кишилар, олиму фузалолар, раҳбарларнинг барчаси мактабда устозларидан илм ўрганиб, маънавият ва тарбиянинг аҳамиятини англашади.**

Ушбу таълим масканида 142 нафар ўқитувчи меҳнат қилади. Улар дарсларни замонавий педагогик технологиялар, ахборот коммуникацион воситалари ҳамда халқаро тадқиқотлардан самарали фойдаланган ҳолда олиб боришмоқда. Ўтган ўқув йилида мактабни битирган ўқувчиларнинг 60 фоизи турли олий ўқув юртлари талабалари бўлишган. Айни пайтда мактабда 4 минг нафарга яқин ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"даги муваффақиятлари эътиборга сазовор. Ана шундай ютуқлардан бири – мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси ҳамкасблари билан биргаликда Англияга боргани бўлди. Эътиборлиси, бир вилоятдан беш нафар ўқитувчининг хорижга чиқиши республика миқёсида катта воқеадир.

Шунингдек, тумандаги 16-умумтаълим мактаби ҳам таълим-тарбия юқори савияда ташкил қилинган билим даргоҳларидан биридир. Унда 2900 нафар ўқувчига 134 нафар ўқитувчи дарс бермоқда. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, тажрибали устозлар. Ўтган ўқув йили мактаб битирувчиларидан 52 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирган. Мактаб директори Дилсора Юсупованинг таъкидлашича, ўқувчилар вилоят фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгаллаб келяпти.

Айтиш мумкинки, мазкур тумандаги барча мактабларда ўқиш-ўқитиш ишлари намунали йўлга қўйилган. Уларда ўқитувчи ва ўқувчилар учун керакли шароитлар яратиб беріляпти. Мактабларда янги синфхоналар, спорт заллари бунёд этишга, мавжудларини ўз вақтида таъмирлашга эътибор қаратилмоқда.

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**

# Янги ташаббусларга ҳам йўл очиляпти

**Фозилжон ҚОСИМОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Якунига етаётган 2023 йилда Фориш туманида ҳам халқ розилигига қаратилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида маҳаллалар тобора обод ва кўркам манзилларга айланмоқда. Хусусан, Фориш туманидаги Боғдон маҳалласида ҳам “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” мезонларини изчил жорий этилгани ҳудуд инфратузилмасини тубдан ўзгартириб юборди.**

Маҳаллада мазкур мезонларни изчил амалга ошириш учун дастлаб ташкил этилган ишчи гуруҳ 505 та хонадонни тўлиқ хатловдан ўтказди. Хатлов натижасига кўра, фуқароларнинг яшаш тарзи, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маиший шароитлари, қизиқиш ва интилишлари, муаммолари ўрганилиб, “Йўл харитаси” белгилаб олинди. Ўтган қисқа вақт мобайнида 2 километрга яқин тупроқ йўл шағаллаштирилди ҳамда шағалли йўлларга афальт ётқизилди. “Фориштумангаз” филиали томонидан 11 та газ тақсимлаш пункти, 7,5 километрли ўрта ва паст босимли газ қувурлари таъмирдан чиқарилди. Электр таъминотини яхшилаш бўйича ҳудуддаги 4 та трансформатор ва эскирган симёғочлар янгисига алмаштирилиб, замонавий СИП кабеллари тортиш ишлари якунига етказилмоқда. Амир Темур ва Бобур кўчаларига тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

– Маҳалламизда узоқ йиллардан бери аҳолини қийнаб келаётган тоза ичимлик суви ва оқова сув тармоқларидаги муаммолар ижобий ечим топяпти, – деди меҳнат фахрийси Сафар Бердиев. – Хусусан, Қулбосойдан маҳалламизгача бўлган 1200 метрдан ортиқ масофадаги ариқ бетонлаштирилди. Бу қулайликлардан Фидокорлар кўчасида жойлашган кўп қаватли турар жойларда яшовчи аҳоли ҳам баҳраманд бўлишди. Мазкур уйлар атрофида болалар ўйингоҳи ва янги тандирхона қуриб берилди. Хатлов жараёнида ёшларнинг муаммолари ҳам ўрганилди. Уларнинг истеъдод ва қобилиятларини ривожлантириш мақсадида “Баркамол авлод” болалар мактаби биноси капитал реконструкция қилинди. Айни вақтда замонавий кўринишдаги ушбу мактабдаги 29 та тўгаракка 790 нафар ўқувчи ёшлар қамраб олинган.

Бундан ташқари, Боғдон маҳалласи биноси қайта таъмирланди. Шунингдек, маҳалла ҳудудидаги 1-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотининг реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилиши маҳалладаги болаларнинг мактабгача таълим ташкилотига қамровини сезиларли даражада оширди. Бу ерда болажонларнинг ақлий салоҳияти ва тафаккурини ўстириш учун барча шароит муҳайё.



Шуни ҳам таъкидлаш кераккки, аҳоли учун тиббий кўрик ташкил этилди. Аниқланган касалликлар юзасидан даволанишга бепул йўлланма ва зарур маслаҳатлар берилди. Шунингдек, маҳаллада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида “5 минг қадам” акцияси ташкил этилиб, унга кексаю ёш барча фуқаролар жалб қилинди. Эътиборлиси шундаки, “Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла” мезонлари маҳалла аҳлининг ободлик, саранжом-саришталикка бўлган муносабатини ҳам ижобий томонга ўзгартириб юборди. Эндиликда маҳалла аҳолисининг ўзлари ташаббус кўрсатиб, яшаш жойларини обод қилишмоқда. Ана шундай оилалар муносиб рағбатлантирилмоқда. Хусусан, Боғдон маҳалласида яшовчи Зоҳид Бобохонов оиласи “Энг намунали оила” кўрик танловининг туман босқичида ғолиб, деб топилди.

Қолаверса, маҳаллада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш ишлари ҳам изчил олиб бориляпти. Ўтган қисқа вақт мобайнида 53 нафар фуқаро доимий ва жамоат ишларига ҳамда ўзини ўзи банд қилиш орқали иш жойига эга бўлди. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан ажратилган 860 млн сўмлик имтиёзли кредитлар асосида 43 нафар фуқаро ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Албатта, чекка маҳаллалардаги бу каби ўзгаришлар нафақат фуқароларнинг дунёқараши ва ҳаётга муносабатини ўзгартирмоқда, қолаверса, янги ташаббусларга ҳам йўл очяпти.

# Форишда янги кўприк қурилди

**Фориш туманининг тоғли ҳудуди бўлган Гараша қишлоғида янги кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Салкам 5,5 млрд сўм маблағ эвазига барпо этилган ушбу кўприк ҳар томонлама сифатли ва барча талабларга жавоб бера олади, дейиш мумкин. Узунлиги 42 метр, кенглиги 10 метр бўлган ва бир ўқдан тушадиган оғирлик 10 тоннага мўлжалланган мазкур кўприк қурилиши 3 ой муддатда амалга оширилди.

Кўприкда техника билан бирга пиёдалар ўтиши учун ҳам хавфсиз йўлаклар мавжуд. Мустаҳкам таянч устунлари 12, 18, 12 метр ўлчамларда ўрнатилиб, тўсинларни дарё ўзанидан 4 метр баландликда ушлаб турибди. Ушбу кўприк узоқ йиллар мобайнида халқимизга хизмат қилишига ишончимиз комил.

# Сармич маҳалласига сув келди

**Янгиобод туманида аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш, ушбу йўналишда йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш борасида бир қатор амалий ишлар олиб бориляпти.**

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг “Жиззах вилояти бўйича маҳаллалардаги биринчи навбатда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар орқали инфратузилмани янада яхшилаш тўғрисида”ги қарори асосида тумандаги Сармич маҳалласида ҳам сув иншоотлари барпо этилди.

Хусусан, мазкур маҳалладаги Сармич ҳамда Туроншоҳ кўчаларида 2 та сув қудуғи қазилиб, ҳар бирига сув минораси, трансформатор ва зарарсизлантирувчи ускуналар ўрнатилди.

Ҳозирда Сармич кўчасида 2,3 километр ҳамда Туроншоҳ кўчасида эса 1,7 километр тармоқ тортиш ва охирги монтаж ишлари олиб борилмоқда. Ушбу сув қудуқларининг ишга тушиши натижасида Дашт ҳамда Қаторбоғ кўчаларидаги 100 дан ортиқ хонадоннинг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилади.

# Ҳудуд ободлигига аҳоли ҳам катта ҳисса қўшмоқда

**Жиззах вилоятининг барча ҳудудлари каби Шароф Рашидов туманида ҳам бугунги кунда қатор бунёдкорлик, таъмирлаш ва тиклаш, ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида аҳолини йиллар давомида қийнаб келаётган кўплаб муаммолар барҳам топяпти.**

Хусусан, аҳолини сув билан таъминлаш масаласига тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда тумандаги 22 та маҳаллада 20 дона сув олиш иншооти барпо этилиб, 20 километрга яқин янги ичимлик суви тармоқлари ётқизилди. Шу пайтга қадар ичимлик суви етиб бормаган ва ундан қийналиб келаётган туман аҳолисига тоза ичимлик суви етказиб берилди. Ҳозирги кунда туманда 34 минг 419 та хонадон бўлиб, уларнинг 26 минг 976 тасига сув ҳисоблаш ускунаси ўрнатилган. 7443 та хонадонда сув ҳисоблаш ускунасини ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Юқоридаги ишлар сабабли айни пайтда туман аҳолисининг 90 фоиз қисми тоза ичимлик суви билан таъминланди. “Кўрпасой” ва “Тинчлик” МФЙ ҳамда Нонисангил маҳалласининг бир қисми тоғли ҳудудларда жойлашганлиги сабабли, аҳолининг 9,7 фоизи булоқ сувини истеъмол қилади.

Шунингдек, истеъмолчиларни сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш муаммоси ҳам эътиборда. Шу мақсадда, ортиқча юклама билан ишлаётган подстанцияларнинг қуввати босқичма-босқич оширилмоқда. “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Жиззах ҳудудий филиали томонидан ушбу туманда жойлашган 35/10 кВли Шароф Рашидов номли подстанциядаги қуввати 4000 кВА трансформатор бугунги кунда қуввати 10000 кВА трансформаторга алмаштирилиб, электр қурилмаларни ўрнатиш ва тўлиқ монтаж ишлари бажарилди. Ушбу подстанциянинг қуввати оширилиши натижасида маҳаллаларнинг электр энергияси таъминоти яхшиланади.

Ободончилик, яшнатиш, яратиш ишлари ҳақида гап кетганда албатта, равон ва мустаҳкам йўллар долзарб масалага айланади. Туманнинг ҳар бир маҳалла ва қишлоғидаги ички йўллар таъмирланиб, кўчалар равонлашмоқда. Жумладан, “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғини ички йўлларининг тўлиқ бетон ҳамда асфальт қилиб берилаётгани ҳудуд аҳолисининг мамнунлигига сабаб бўлмоқда. Иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган йўлларнинг йилдан йилга текис ва сифатли бўлиб бораётгани, аввало, инсонлар кайфиятини кўтармоқда.

Зеро, бугун йўл қурилишида янгича ёндашувларнинг жорий этилаётгани, соҳани рақамлаштириш ва бунга хусусий секторнинг жалб қилиниши бу борадаги катта ўзгаришлардан дарак беради.

Маълумот учун, сўнгги 6 йилда мамлакатимизда йўллар қуриш ва таъмирлашга ажратилаётган маблағлар 3 карра ошган. Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги корхоналарга 2 мингдан зиёд махсус техника харид қилинган. Булар орқали 65 минг километр йўллар қайта қурилган ва таъмирланган. 2023 йилдан “Менинг йўлим” лойиҳаси орқали ички кўчалар аҳоли таклифлари асосида қурилиб, таъмирлана бошланди. Жорий йилда 470 та маҳалладаги ички йўллар учун 410 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Бу билан миллионлаб аҳолига қулайлик яратилмоқда. 3 мингга яқин маҳалла йўлларига илк бор асфальт ётқизилди, яна 2 мингта маҳалладаги тупроқ йўлларга шағал қоплама тўшалди.

Ана шуислоҳотлар давоми сифатида “Ёшлик” МФЙда 6 километрдан зиёд йўл бетон қоплама билан қопланган бўлса, 3 километрдан ошиқ йўлга асфальт ётқизилди. Маҳалла аҳолиси бетон қопламали йўлни янада кенгайтириб, тоза ва озода сақлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Таъмирланган йўл четлари тартибга келтирилиб, сифатли сақлаш чоралари кўриляпти.

Муҳими, бундай ўзгаришлардан мамнун аҳоли тадбиркорлик қилиб, аввало, томорқасидан унумли фойдаланиб, қолаверса, имтиёзли кредитлар эвазига ўз ҳудудлари ободлигига ҳисса қўшаётгани ҳам қувонарли, албатта.

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**

# Бу йил захирада муаммо бўлмайди

**Азиз МАШРАБОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қиш, айниқса, энергетиклар учун жиддий синов фасли. Бунга ўтган йилги совуқ кунларда юз берган муаммолар ҳам мисол бўлади. Хўш, таъминотчилар энергия тақчиллиги, турли узилишлардан истеъмолчи азият чеккан ўтган мавсумдаги вазиятлардан қандай хулоса чиқарган? Қишли-қировли кунларда юз бериши мумкин бўлган авария ҳолатларига қандай тайёргарлик кўрган? Захира омборларида кутилмаганда юз берган узилишлар олдини олиш учун зарур эҳтиёт қисмлар ғамланганми?**



Бу борадаги ишлар қай даражада йўлга қўйилгани билан танишиш мақсадида “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиалида бўлдик. Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилги мавсумда Сурхондарё вилоятида 129 мингдан ортиқ истеъмолчи табиий газдан фойдаланмоқда. Вилоятда истеъмолчиларга қарийб 2 минг 342 километр масофадаги юқори, ўрта, паст босимли газ қувурлари орқали табиий газ етказиб берилади. Қувурларнинг 43 километрдан ортиғи ер остидан ўтган. Табиий газ таъминотчилари мавсумига тайёргарлик жараёнида мавжуд қувурларни назоратдан ўтказиб, ҳолатини ўрганди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун 29,85 километр газ қувури мукаммал таъмирланди. 3,2 километр газ қувури реконструкция қилинди.

– Қишнинг изғиринли совуқ кунларида истеъмолчиларимиз бизнинг мавсумга кўрган ҳозирлигимизга баҳо беради, – деди “Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали бош муҳандиси Зайниддин Шодиев. – Шу боис, халқимизнинг “қиш ғамини ёзда е” деган нақлига амал қилиб, мавсумга тайёргарликни ёзда бошлаб, тегишли режа тузиб олганмиз. Масалан, “Термиз” автоматик газ тарқатиш шохобчасидан чиққан 6,3 километр узунликдаги турли ўлчамли қувурлар кўздан кечирилганда совуқ кунларда ноқулай ҳолатни юзага келтириши мумкин бўлган камчилик аниқланган эди. Муаммо бартараф этилиб, қувурларнинг бир қисми ер остига олинди. Бу шохобчадан табиий газ олувчи 7 минг 852 жисмоний ҳамда ўнлаб улгуржи истеъмолчининг газ таъминотини тубдан яхшилаб, изғиринли кунларда содир этилиши эҳтимоли бўлган ноқулай ҳолатнинг олдини олди.

Маълумотларга кўра, куз-қиш мавсумига ҳозирлик кўриш даврида вилоят маркази, Термиз, Жарқўрғон, Сариосиё, Денов ва Қумқўрғон туманларида 17,4 километр масофадаги газ қувури ер устига олиниб, носоз қисмлари таъмирланди. Бандихон, Шеробод, Ангор туманларидаги ер остидаги юқори босимли табиий газ қувурларининг 490 метр қисми ер устига ўтказилиб, яроқсиз ҳолга келаётган қисмлари алмаштирилди. Бу ишлар мазкур ҳудудлардаги 45 га яқин маҳалланинг 23 мингга яқин хонадон ва қарийб юзта улгуржи истеъмолчининг табиий газ таъминотини яхшилади.



“Ҳудудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали бош муҳандиси Зайниддин Шодиевнинг айтишича, айни пайтда газчилар нигоҳи мавсумни беталафот ўтказишга қаратилган. Бу жараёнда муҳим ишлардан бири – барча бўлимларда захира омборхоналарини ташкил этишдир. Бунинг учун вилоят марказий омборхонасида ҳам қўшимча эҳтиёт қисмлар захираси яратилиб, турли ўлчамдаги қувур, карбид, пайвандлаш учун зарур жиҳоз ва бошқа эҳтиёт қисмлар тахт қилиб қўйилди. Вилоятнинг туман, шаҳар бўлимларида куз-қиш мавсумида газ таъминотидаги носозликларни бартараф этиш учун авария-диспетчерлик қисмлари, доимий навбатчилик гуруҳлари ташкил этилди. Юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини тезда бартараф этиш учун захира омборхоналари яратилиб, улар зарур материал ва эҳтиёт қисмлар билан таъминланди.

– Захира омборини яратишда мавсумда энг кўп керак бўладиган эҳтиёт қисмларни жамлашга ҳаракат қилдик, – деди “Термизшаҳаргаз” газ таъминоти бўлими бошлиғи Файзулло Ҳамроев. – 52 турдаги эҳтиёт қисмлар захира қилинди. Авария ҳолати юзага келадиган бўлса, носозликни зудлик билан бартараф этиш учун зарур барча чоралар кўрилди. Вилоятда ташкил этилган авария-диспетчерлик қисмларида доимий навбатчилик гуруҳлари учун махсус автотранспорт воситаси, тажрибали пайвандчи, чилангар ажратилди. Улар смена асосида доимий иш олиб боради. Барча гуруҳлар махсус мобиль алоқа воситалари билан таъминланган бўлиб, вилоят марказий диспетчерлик пунктига келиб тушаётган мурожаатлар ҳудудларга тезкорлик билан етказилади.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят газчиларининг қишли-қировли кунларга кўрган тайёргарлик ишлари сифатига бўлғуси мавсумда истеъмолчиларнинг узлуксиз ёқилғи билан таъминланишига қараб баҳо берилади. Шу кунларда соҳа ходимлари ҳудудларда бўлиб, истеъмолчилар ўртасида куз-қиш фаслида маиший газ баллонлари ва суюлтирилган газдан хавфсиз фойдаланишга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказмоқда.

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**

# Янги йилни янги иморатлар билан кутиб оламиз!

**Ғулом ҚАЛАНДАРОВ,** Ҳазорасп тумани ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари.

**Якунига етаётган 2023 йил туманимиз аҳли учун жуда баракали йил бўлди, деб айта оламиз. Чунки барча соҳаларда яхши натижаларга эришдик. Айниқса, қурилиш соҳасида яхши ўзгаришлар, кенг бунёдкорликлар йили бўлди. Туман марказининг кўркига кўрк қўшаётган бир-биридан чиройли кўп қаватли биноларда халқимиз фаровон турмуш кечирмоқда.**

Аниқроқ айтганда, туманда жорий йилда 17 та кўп қаватли уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунгача 12 таси фойдаланишга топширилди. Яна 48 хонадонли уй-жойларда сўнгги пардозлаш ишлари амалга ошириляпти. Яқин кунларда бу шинам хонадонлар ҳам ўз эгаларини кутиб олади. Шунингдек, бу йил туман миқёсида 50 та объектда 65 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.



Бу каби йирик ҳажмдаги қурилиш ишларини амалга оширишда хусусий тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, “Хоразм омад сервис” МЧЖ қурувчилари ҳозиргача 100 дан зиёд уй-жойларни қуриб, ўз эгаларига топширишди. Тадбиркор қурувчилар жамоаси Зиёлилар маҳалласида 48 та уй-жойни шу кунларда ўз эгаларига топширишга шайланмоқда. Шунингдек, ушбу МЧЖ томонидан яна 12 та 2 қаватли уй қуриб, топширилиши режалаштирилган.

Дарҳақиқат, уй-жойга эга бўлиш инсон орзу-умидларининг бир бўлагидир. Яқиндагина ўз эгаларига топширилган 5 та 5 қаватли уй жами 100 хонадонли бўлиб, бу ерга кўчиб келган оилалар янги йилни янги уйларда кутиб олишади.

Қолаверса, хусусий тадбиркорлар томонидан ҳам уйлар қурилиб, аҳолига субсидия орқали бериляпти. Вилоят миқёсида уй-жой сотиб олиш учун 1 747 нафар фуқарога субсидия маблағи ажратилган бўлса, туманимизда бундай фуқаролар сони 86 нафарни ташкил этади. Дилфуза Қурёзова, Бибижон Матчонова каби ёш оилалар бундай имкониятлардан фойдаланиб, яқинда янги уйларга кўчиб ўтишди. Янги йилни янги уйларда нишонлаётган оилаларнинг хурсандчилиги чексиз.

2024 йилда ҳам бунёдкорлик ишларини давом эттириб, 15 та кўп қаватли бино қуришни режа қилганмиз. Муҳими, қурилишда сифат биринчи ўринда туриши керак. Ушбу уй-жойларни барпо этишда айнан шу жиҳатларга катта эътибор қаратяпмиз. Ҳар битта қурилиш материали сифат сертификатига эга.

Пировард мақсадимиз эса халқимизни давлатдан рози қилишдир.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№99 (752) 2023 йил 26 декабрь

ДАВОМИ. БОШИ ГАЗЕТАНИНГ 2023 ЙИЛ 28 НОЯБРДАГИ 96 (749)- ВА 15 ДЕКАБРДАГИ 98 (751)-СОНЛАРИДА.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2022 йил 15 июндаги 109-сон буйруғига
ИЛОВА

# ШНҚ 2.05.03-22 "КЎПРИКЛАР ВА ҚУВУРЛАР" ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

74. Деформация чокининг конструкцияси транспорт воситалари ҳаракатининг равонлигини бузмаслиги зарур ва кўприкнинг таянч майдончаларига ҳамда пастда жойлашган қисмларига чиқиндилар ва сувларнинг тушмаслигини таъминлаши керак.

Сув ўтказмайдиган чоклар қўлланилган ҳолларда қуйидагилар бўлиши керак:

чок конструкциясини устида туриб кўриш ва таъмирлаш имкони;

50 ‰ дан кам бўлмаган қияликдаги лотоклар ёрдамида кирган сувни оқизиб юборишни;

лотокларни кўришга ва чиқиндиларни тозалашга қулай бўлишини таъминланганлиги.

Қовурғали металл плиталар билан қопланган чокларнинг конструкцияси гидроизоляция плиталаридан ясалган сув қочириш лотокларига эга бўлиши керак.

Барча ҳолларда, цемент-бетон қопламаларни деформациявий чокларининг устида узиш керак. Асфалт-бетон қопламаларни I–V тоифали йўлларда чокларнинг кўчиши 5 mm гача бўлганда ҳамда паст тоифали йўлларда 10 mm гача бўлган ҳолларда узлуксиз яхлит бутун қилиб қуриш мумкин.

Деформация чокларининг конструкциялари оралиқ қурилмаларга ишончли қилиб анкерланган бўлиши керак. Деформация чоклари конструкцияларини йўл қатнов полотносига анкерлаш ман этилади.

Беркитувчи элементларни, силжувчи листлар ёки плиталарни пружиналар ёрдамида ёки беркитувчи элементларнинг зич жойланишини таъминлайдиган бирорта бошқа услублар билан пастидаги элементига сиқиб туришлари керак.

1,5 cm гача бўлган балкаларнинг ҳарорат ҳаракати билан чок учун тавсия этилган вариант чақиқтош-мастикали ҳисобланади. 1,5 cm дан ортиқ ҳаракатланаётганда махсус резина-металл деформацияловчи бирикмалардан фойдаланилади.

### 12-БОБ. КЎПРИКЛАРНИ ЙЎЛЛАР БИЛАН БИРЛАШТИРИШ

75. Тупроқ полотноси катта темир йўл кўприкларининг олдида, унинг қирғоқ таянчларининг орқа қиррасидан 10 m масофагача ҳар иккала томонидан ҳам 0,5 m гача кенгайтирилиши керак. Автомобиль йўллари ва шаҳар кўприкларида эса, қўл тутгич панжараларининг орасидаги масофага ҳар томонига 0,5 m қўшгандаги қийматидан кам бўлмаслиги керак. Полотнони кенгайтирилган энидан нормал ҳолига узунлигини 15-25 m масофада равон ўтказиш керак.

76. Тупроқ кўтармани темир йўл кўприкларининг қирғоқ таянчлари бирлашадиган жойларида балласт призма грунтларининг ўпирилиб кетмасликдан ушлаб туриш тадбирларини белгилаш керак.

77. Автомобиль йўллари ва шаҳар кўприкларининг тўпроқ кўтармалари билан уланадиган жойига ўтиш плитасини ётқизишни темир-бетондан режалаштириш керак.

Плитанинг узунлиги унинг ёстиқчасининг тагидаги грунтнинг кутиладиган даражадаги чўкишига боғлиқ ҳолда қабул қилиниб 8 m дан ошмайдиган этиб тайинлаш керак.

Ўтиш плиталарини ўрнатишнинг асосий мақсади кўприк оралиғига силлиқ киришни таъминлаш ва деворларга, устунларга ва таянчларнинг қозиқларига горизонтал босимни камайтиришдир.

Ўтиш плиталари иншоотнинг бутун кенглигига қурилади. Пиёдалар йўлаги кенглиги чегараларида узунлиги қисқарган плиталар ўрнатилади.

Қирғоқ таянчлари бевосита тупроқ кўтармага таяниб турадиган (диван туридаги) кўприкларда ўтиш плитасининг узунлигини, унинг таянч майдончаларида ҳар хил даражадаги чўкишлар мумкин бўлганида ўтадиган жойнинг қабул қилинган профилини сақлаш зарурлигига асосланган ҳолда белгиланиши керак ва 2 m дан кам бўлмаган этиб қабул қилинади.

Плитанинг грунтга таянадиган жойининг шағал-қумли ёстиғи барча пастки юзаси билан намликни ушлаб турмайдиган грунтга ёки тупроқ кўтарманинг музлаш чуқурлигидан пастда жойлашган грунтга таяниши керак. Тупроқ кўтарманинг замини нозик лой грунтлар бўлганида, уларнинг мумкин бўладиган чўкишлари тупроқ кўтарма баландлигининг 0,5-0,7 фоиз миқдорларида деб ҳисоблаган ҳолда ётқизиш керак.

Ўтиш плиталари ва ётиқ таянчлар сиртлари суркама намтўсгич қатламли бўлиши керак.

78. Кўприклар конструкциясини йўлнинг келиб бирлашадиган жойидаги тупроқ кўтарма билан улаганда, қуйидаги шартларни бажариш керак:

тупроқ кўтармалар ва конуслар чўккандан кейин қирғоқ таянчнинг ёки эркин консолнинг (автомобиль йўллари кўприкларида) тупроқ кўтармага бирлашиб турган қисми конусга, тупроқ кўтарма баландлиги 6 m гача бўлганида камида 0,75 m, 6 m дан катта бўлганида эса камида 1,0 m (полотнонинг қоши сатҳида конуснинг учидан уланадиган конструкция чекка қиррасигача бўлган масофа) кириб туриши керак;

конструкциянинг қия юзаси ферма таги майдончасидан (шкаф деворча текислигида) ёки шкаф деворчани тўсиб турадиган ён деворчанинг тепасидан темир йўл кўприкларида камида 0,50 m, автомобиль ва шаҳар кўприкларида камида 0,40 m пастдан ўтиши керак. Қўшилиб кетмайдиган қирғоқ таянчларда конуснинг пасти уларнинг олди томондаги қиррасидан оралиқ томонга чиқиб кетмаслиги керак. Кўприкларнинг кўмиладиган қирғоқ таянчларида конуснинг қия юзаси билан таянчнинг олдинги қиррасининг кесишадиган нуқтаси ҳисобий сув тошқинининг сатҳидан (сувнинг тиралишидан кўтарилиш ва тўлқин урилиши эътиборга олинмаган) баландда ва камида 0,50 m тепада жойлашган бўлиши керак;

кўприкларнинг кўмилмайдиган қирғоқ таянчлари конуси юзасининг қиялиги тупроқ кўтарманинг қошидан, юқоридан пастга қараб дастлабки 6 m баландликда 1:1,25 дан, кейинги 6 m да 1:1,5 дан тик бўлмаслиги керак. Баландлиги 12 m дан катта бўлган тупроқ кўтарманинг конуслари юзасининг қиялигини уларнинг устуворлигининг ҳисобига кўра (заминини текшириш билан) аниқлаш бир мунча ётиқ қисмигача камида 1:1,75 қияликда белгилаш керак;

кўмиладиган қирғоқ таянчлари, ромли ва қозиқ-эстакадали кўприклар қирғоқ таянчлари ҳамда сув тошишининг ҳисобий баландлигидаги чўкиш даражасида барча кўприклар учун конуслар юзаларининг қиялиги 1:1,5 дан тик бўлмаслиги керак. Кўтарма баландлиги 12 m дан катта бўлганда уларнинг устуворлигининг ҳисобига кўра (заминини текшириш билан) аниқлаш керак.

Кўтармалар ва конуслар тугалланиш қисми асослари билан биргаликда айлана цилиндрсимон ёки сиртини силжиши орқали (нишаблик таъминлашнинг геологик шартлари билан) мустаҳкамликка текширилиши керак.

Кўчки бор қияликларда таянчлар жойлашганда кўчки ҳолатини бартараф қилувчи конструктив-технологик тадбирлар қўлланиши керак.

Сейсмик ҳудудлар учун конуслар юзасининг қиялигини ШНҚ 2.01.20 га биноан тайинлаш керак.

79. Устунларга, қўллаб-қувватловчи корпуснинг деворларига горизонтал босимни камайтириш ёки йўқ қилиш учун ШНҚ 2.03.14 ва ГОСТ 31938 га мувофиқ композит полимер арматурадан фойдаланган ҳолда кўтармани тўлдиришнинг одатий тупроғини қатламли мустаҳкамланган тупроқ билан алмаштиришга рухсат берилади.

80. Кўприк олдида конусни ва кўприк таянчининг орқа томонидаги тупроқ кўтармани устки томонида унинг баландлигига 2,0 m қўшган қийматдаги узунликкача, пастки томонида эса (табиий ҳолатда ётган грунтнинг юзаси сатҳида) камида 2,0 m узунликкача, қумлоқ ёки ўтказгичлик коэффициенти (зичлагандан кейин) камида 2,0 m/sut бўлган, намлик ушламайдиган бирорта бошқа грунт билан тўлдириш керак.

Дренланган бостирмани зичлаш коэффициенти 0,98 дан кам бўлмаган миқдорда зичлаш зарур. Оғир шароитларда тегишли тартибда техник-иқтисодий ҳисоблар билан асослanganида, сув ўтказувчанлик коэффициенти 2,0 m/sut дан кам бўлмаган қумларни, конструктив ва технологик тадбирлар (маҳкамловчи ва арматураловчи геосинтетик материаллар ва тўрларни ёки геотўрлар) ёрдамида қирғоқ таянчлар, конуслар ва уларнинг орқасидаги тупроқ кўтармаларнинг талаб даражасидаги ишончлилигини ва узоқ муддатга хизмат қилишини таъминлаганда ишлатиш мумкин.

81. Кўприклар ва йўл ўтказгичлар конусларининг қия юзалари пастидан тепасигача маҳкамланган бўлиши зарур.

Кўприклар ва қувурларга йўлнинг бирлашадиган қисмларидаги тупроқ кўтармаси қиялари юзасини ва товонини ҳамда оқимни йўналтирувчи иншоотларнинг қия юзасини маҳкамлашнинг турлари уларнинг қиялигига, сув тошган пайтлардаги максимал сув миқдорига мос келадиган тезликлардаги сувнинг оқимлари ва тўлқинларнинг таъсирларига кўра белгиланиши керак. Умумий тармоқдаги темир йўллардаги кўприклар учун у тезликнинг энг катта қиймати, қолган кўприклар учун эса ҳисобий қиймати қабул қилинади.

Маҳкамланган юзалар тепасининг баландлик нуқталари юқорида кўрсатилган сув тиралиб кўтарилиши ва тўлқинларнинг урилишларини ҳам ҳисобга олгандаги сув сатҳидан қуйидаги миқдорларда юқори бўлиши керак:

катта ва ўртача кўприклар олдида - камида 0,50 m;

кичик кўприклар ва қувурлар олдида - камида 0,25 m.

### 13-БОБ. СУВЛАРНИ ЧЕТЛАТИШ

82. Ҳаракат полотноси ва конструкциясининг сув тегиши мумкин бўладиган бошқа юзаларини (унинг ичида пиёдалар йўлаклари тагидаги блокларни ҳам) 20 ‰ дан катта бўлмаган, темир йўл кўприкларининг балласт коритосида 30 ‰ дан кам бўлмаган кўндаланг қияликларда лойиҳалаш керак.

Автомобиль йўлларидаги ва шаҳарлардаги кўприкларнинг ҳаракат полотносининг бўйлама қиялигини камида 5 ‰ этиб қабул қилиш керак. Бўйлама йўналишдаги қиялик 10 ‰ дан катта, иккита йўналишдаги қияликларнинг геометрик йиғиндиси 20 ‰ дан кам бўлмаган ҳолда, кўндаланг йўналишдаги қиялик миқдорини камайтириш рухсат этилади. Темир йўл кўприкларида асбест балласт бўлганида устида йиғиладиган сувларни оқизиб юбориш мўлжалланган бўлиши керак.

83. Йўлак (тротуар) блокларнинг конструкциялари ўзгариши сабабли қатнов қисмини плитали оралиқ қурилмалардан қуришда вертикал сув кетказиш қувурчалари қўлланилмайди.

84. Балкали оралиқ қурилмаларни қўллашда диаметри 60 mm бўлган сув кетказиш қувурчаларини ўрнатишга рухсат этилади. Бунинг учун дренаж тизимини қуриш зарур. Қатнов қисмининг кўндаланг нишабидан ташқари йўлакларнинг ғилдирак қайтаргич деворларидан 70 cm узунликда найчаларнинг ўқига қадар кўндаланг нишаб ишлаб чиқилади, бунда кўприкнинг бутун узунлиги бўйича 150-200 mm кенгликда дренаж канали кўприк иншоотнинг мажбурий бўйлама нишаблиги билан қурилади.

Сув кетказиш қувурчаларини қўллаш тўғрисидаги қарор йўлакларнинг кенглиги ва балкалар ўқлари орасидаги масофага қараб қувурчалар ўқининг геометрик ҳолати билан белгиланади.

Қувурларнинг ўқлари фақат тўғри бурчак кесимли балкаларнинг плиталари доирасида жойлашиши лозим.

Сув кетказиш қурилмаларидаги сув остки конструкцияларга, шунингдек темир йўллар, автомобиль йўлларининг қатнов қисмига тушмаслиги керак.

Темир-бетон ва бетон конструкцияларнинг (четки балкаларнинг консол плиталари, йўлак блоклари, таянч "оголовкалари" ва ш.к.) остки юзалари вақти-вақти билан намланишининг олдини олиш учун ҳимоя "выступ"лари ва "слезник"ларни қуриш керак.

Йўл тўшамасидан гидроизоляция сатҳига ўтган сувни йиғиш ва кетказиш учун йўл тўшамаси конструкциясида зарур бўлса дренаж тизимини қуриш лозим. Дренаж тизими ва етарли даражадаги нишаблик бўлганда сув кетказиш қувурчаларини ўрнатмаса ҳам бўлади.

85. Дренаж новлари катта ёғингарчиликларда асфальт-бетон ичида ёки ҳимоя қатламида жойлаштирилади. Йўлаклар ёки қатнов қисми тўсиқлари олдида жойлаштирилган дренаж тизими кўндаланг қирқимли эни 150÷200 mm бўлган дренаж новларини ўз ичига олади.

Сув кетказиш қувурчаларининг ички диаметри камида 150 mm бўлиши керак ва уларни 1 $m^2$ майдонга қувурчанинг қирқими камида 5 $cm^2$ бўлиши ҳисобидан темир йўл кўприкларининг балласт "корыто"ларида ўрнатиш лозим.

Автойўл ва шаҳар кўприкларининг қатнов тўшамасидаги сув кетказиш қувурчалари орасидаги масофа 5 %гача бўйлама нишабликда "пролет" бўйлаб кўпи билан 6 m ва 5 дан 10 % гача нишабликда – 12 m ни ташкил қилиши керак. Кескинроқ нишабликларда қувурчалар орасидаги масофа кўпайиши мумкин. Узунлиги 9,0 дан ортиқ битта "пролет"даги қувурчалар сони учтадан кам бўлмаслиги керак.

Сув кетказиш қувурчалари конструкцияларни бетонлаштириш вақтида ўрнатилиши керак. Гидроизоляция қувур "воронка"сига киритилиши ва сув қабул қилувчи стакан билан маҳкамланиши керак. Қувурчаларнинг конструкцияси уларни тез ва осон ажратиш ва тозалашга имкон бериши керак.

Ёпиқ қирқимлар ичида (қатнов тўшамаси элементлари остида ва сув йиғилиши мумкин бўлган бошқа жойларда, шунингдек атмосфера намлигининг конденсацияси натижасида йиғиладиган сув) паст жойларда диаметри камида 60 mm сув кетказиш қувурчалари ўрнатилиши кўзда тутилиши керак.

Йўлак блоклари остидаги бўшлиқдан сув, одатда, сув кетказиш қувурчаларини қўлламаган ҳолда кетиши кўзда тутилиши лозим.

86. Бориш йўллари томонидан юза сувлар оқиб келганда грунтларнинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш учун "устой" асосида сувни йўл пойидан ташқарига чиқариб юбориш учун кўприк бориш йўллари билан туташгунга қадар сув қабул қилувчи қудуқларни ўрнатиш кўзда тутилиши керак.

Оралиқ қурилмаларидан кўтарма конусига сувни кетказиш жойларида кўприк бўйлаб конусда сув кетказиш новлари ўрнатилиши керак. "Устойлар"дан сувни кетказиш учун ишонарли амалдаги дренаж тизимини қуриш кўзда тутилиши керак.

Ёндашувлар томондан ер усти сувлари кириб келган тақдирда, таянчлар тагида тупроқнинг табиий хусусиятларини сақлаб қолиш учун уни сув олиш қудуқларини ўрнатган ҳолда кўприкни ёндашувларга улашдан олдин пастки қаватдан ташқарига йўналтириш мосламаларини таъминлаш керак.

### 14-БОБ. ФОЙДАЛАНИШДАГИ ЖИҲОЗЛАР

87. Оралиқ қурилманинг барча қисмлари, таянчлар ва қувурларнинг кўриниб турадиган сиртлари, уларнинг аҳволини текширишга ҳамда керакли тадбирларни бажаришга қулай бўлиши керак. Бунинг учун юрадиган жойлар, нарвонлар, туйнуклар, (баландлиги камида 1,10 m бўлган) қўл тутгич тўсиқлар, кўприк ости қурилмаларини вақтинчалик осишда фойдаланадиган конструкцияга маҳкамланган қисмлар, қараб кўришга зарур махсус мосламалар тайёрланади. Тўсин туркумидаги оралиқ қурилмали, қўзғалувчан таянч қисмли кўприкларда таянчлар ҳолатини ўзгаришига, уларни алмаштиришга ва таъмирлашга боғлиқ ишларни бажариш учун керакли шароит бўлиши зарур.

88. Кўприкли иншоотлар ва қувурларнинг ҳар бир четкаларида темир йўл иншоотлари олдидаги тупроқ кўтарма баландлиги 2,0 m дан катта, автомобиль йўллари иншоотлари олдида 4,0 m дан катта бўлганида иншоотнинг ўша томонларига конуснинг қия сиртлари устига эни 0,75 m бўлган тушиб-чиқадиган доимий жойлашган нарвон ўрнатилиши лозим.

89. Зарур шароитларда (масалан, тажрибада текшириш мақсадида кўприклар ва қувурлар қурилса, чўкишларга таъсирчан ташқи статик туркумлар кўприкларда ишлатилса, пўлат конструкцияларда олдиндан кучланиш ҳолатлари яратилганда ва ҳ. к.) умумий деформацияларни, уларнинг айрим элементларининг кучланиш ҳолатларини назорат қилиб туришга керак бўладиган махсус маркалар ёки бошқа бир мосламаларни ўрнатиш масалалари лойиҳа ҳужжатларида кўзда тутилган бўлиши керак.

90. Тоннель туридаги темир йўл кўприкларида ва йўл ўтказгичларда уларнинг узунликлари 50 m дан катта бўлганида икки томонидан ҳар 50 m масофада шахмат тартибида йўл ўтиш сатҳида одамлар ҳимояси учун майдончалар лойиҳаланиши керак. Кўприк ёки йўл ўтказгичнинг узунлиги 100 m гача бўлса, бу ёпиқ жойли майдончани ўтиш жойининг ҳар томонига биттадан ўрнатишга рухсат этилади.

Поезд тезлиги 120 km/soat дан катта қилиб чекланган йўлларда ва энг совуқ беш кунликнинг таъминланиши 0,98 ташқаридаги ҳавонинг ўртача ҳарорати минус 400С бўлган ҳудудлардаги кўприкларда барча ҳимоя майдончаларининг орасидаги масофа 25 m дан кўп бўлмаслиги керак.

91. Кўприк иншоотлари ва қувурларни қуриш ва реконструкция қилишда ШНҚ 2.01.02, ГОСТ 30244, ГОСТ 30247.0 ва ГОСТ 30247.1 бўйича структуранинг зарур бўлган ёнғинга бардош бериш даражасини таъминлаш чораларини кўриш керак.

Кўприк ости бўшлиғининг функционал ишлатилиши (кўприк горизонтал проекцияси ва коридори чегарасида ёнғин қутқарув техникаси) кўприкни лойиҳалашда аниқланиши керак.

Кўприк ости бўшлиғига жойлаштириладиган бино, иншоот ва хоналар, шунингдек кўтарилувчи кўприкларда механизмларни жойлаштириш ва жиҳозлаш амалдаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосланиб бажарилади.

92. Кўприк иншоотларининг барча металл конструкциялари, агар йўллар доимий токли электр тармоқлардан 5 m дан, ўзгарувчан токли электр тармоқлардан 10 m дан кам масофаларда жойлашган бўлса, ерга сим билан уланган бўлишлари зарур. Электр тармоқни ушлаб турадиган темир-бетон ва бетон конструкциялар ҳам ерга сим билан бирлаштирилган бўлиши керак.

93. Электрлаштирилган темир йўлларининг устига йўл ўтказгичлар ва пиёдалар кўприклари лойиҳаланганда электр тармоғининг устига тўсиқ бўладиган ва ҳимоя қилувчи, баландлиги 2,0 m келадиган тик шитлар (тўрлар) лойиҳаланиши керак. Кўприкнинг ҳар икки томонидан узунлиги 1,5 m дан кам бўлмаган горизонтал шитлардан (тўрлар) фойдаланишга рухсат этилади.

94. Суюқ чўян ва иссиқ шлаклар қуйилган чўмичлар ташийдиган йўлдаги темир йўл кўприкларида ва йўл ўтказгичларда қўл тутгич панжаралар ўрнига баландликлари чўмичларнинг усти томонидан 20 cm юқори турадиган махсус ҳимояловчи тўсиқлар ўрнатилиши керак. Бу ҳолда ҳар бир томонидан 50 m масофада шахмат тартибида жойлашадиган ҳимоя қилувчи бошпана-майдончалар мўлжалланиши керак.

95. Барча кўприкларда нефть ва нефть маҳсулотларини ташишга мўлжалланган қувурларни ва юқори кучланишли ток ўтказувчи йўналишлар (кучланиш 1000 В дан катта бўлган)ни ётқизишга рухсат этилмайди. Булардан ташқари, темир йўл кўприкларида газ ва чиқинди суюқликларини ташийдиган ҳамда сув ўтказувчи қувурларни ётқизиш мумкин эмас. Автомобиль йўллари, шаҳар ва пиёдалар кўприкларида махсус техник-иқтисодий томондан асосланган ҳолларда иссиқ сувлар тармоғини, сув билан таъминлаш йўлларини, босим остида ишлайдиган чиқинди суюқликларни оқизувчи пўлат қувурларни ва ишчи босими 0,6 MPa (6 kgk/cm2) дан катта бўлмаган газ ўтказгичларни ётқизиш мумкин.

Барча шароитларда кўприкнинг бутунлигини сақлашга, қувур ўтказгичлар ва кабелларнинг тешилган ва шикастланган ҳолларида, кўприк устидан ҳаракатнинг хавфсиз ва тўхтовсиз ўтишини таъминлашга қаратилган тадбирлар мўлжалланган бўлиши зарур. Бунинг учун катта ва ўртача кўприкларда, электр ўтказадиган ва бошқа коммуникация йўлларидаги темир йўл кўприкларида, албатта ушбу йўлларда кўприкнинг икки томонидан беркитиш ва ўчиришни таъминлайдиган ускуналар бўлиши керак.

Изоҳ. асосланган ҳолларда шаҳар кўприкларида ва аҳоли пунктларидаги автомобиль йўллари кўприкларида, юқори электр йўналишининг кабелини кўприкни жорий сақлашга боғлиқ ишларида хавфсизликни таъминлаган шароитда ётқизишга рухсат қилинади.

Ёғ тўлдирилган кабел йўналишларини ва юқори кучланишдаги ҳавода тортилган кабелларни кўприкдан ўтказишга рухсат этилмайди.

96. Кўприкларда ушбу йўлда мўлжалланган алоқа симларини ўтказишга тегишли мосламалар ва бошқа шу иншоот учун рухсат этилган коммуникацияларни темир йўлларда (шунингдек поездлари электр кучи билан юрмайдиган йўналишларда ҳам), троллейбус ва трамвай юрадиган шаҳарларда эса ток тармоғини осиб қўйишга мўлжалланган қурилмалар бўлиши керак.

Қувурлар ва кабелларни ётқизиш учун кўприкни жорий сақлаш ва таъмирлаш ишларини бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган махсус конструктив элементлар (чиқарилган консоллар, кўндаланг диафрагмалар, ташқи осгичлар ва ҳ.к.) мўлжалланиши керак. Пиёдалар йўлаклари плиталарининг тагида ва ажратувчи йўлакларда коммуникацияларни жойлаштириш, улардан фойдаланиш даврларида коммуникация ва кўприк конструкцияларини шикастланишдан ҳимояловчи шароит бўлганида рухсат этилади. Пиёдалар плиталарининг тагидаги блокларнинг ўралган бўшликларида коммуникациялар жойлаган ҳолларда, у ерларда намтўсгич қурилмаси ва сув оқизувчи тешиклар бўлиши керак.

97. Очиладиган оралиқ қурилмали темир йўл ва автомобиль йўллари кўприкларида ва ўтиш қисмлари ҳар хил ҳаракатларга мўлжалланган кўприкларда (рельссиз ва рельсли транспорт воситалари навбат билан ҳаракатланадиган) уларга икки томонидан кирадиган жойлари камида 50 m масофада жойлашган огоҳлантирувчи белгилар билан тўсилган бўлиши керак.

Очиладиган оралиқли темир йўл кўприклари ва иккита йўлли участкадаги битта йўлли кўприклар ҳимояловчи (ушловчи) учи берк йўл ёки йўлларни тўсувчи жойлар билан ҳимояланган бўлишлари зарур.

98. Қўриқланувчи кўприкларда, қоровуллик қилиш учун хона ва керакли жиҳозлар бўлиши керак. Катта темир йўл кўприклари ва узунлиги 200 m дан ошган автомобиль ва шаҳар кўприкларининг ёнларида майдони 16-25 $m^2$, уларга хизмат қилишга мўлжалланган хона ва ундан ташқари асосланган ҳолларда компрессор учун хона бўлиши шарт. Катта темир йўл кўприкларида жорий ва ўрта таъмир ишларини механизациялаш учун сиқилган ҳаво ва сув етказиб берадиган, бутун узунасига электр токи билан таъминловчи, токларни ажратиб берувчи шохобчалар билан биргаликда керакли асбоб-ускуналар кўзда тутилиши керак.

### 15-БОБ. АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

99. Кўприкли иншоотлар ва қувурларни лойиҳалаётганда қуйидагилар бўйича (йўналишлар) атроф-муҳитни муҳофазалаш (АММ) чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши шарт:

атмосфера ҳавосини муҳофазалаш;

ер усти ва ости сувларини муҳофазалаш;

ерни муҳофазалаш ва ундан унумли фойдаланиш;

ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофазалаш;

меъморий ёдгорликлар, табиат ва тарихий-археологик объектларни муҳофазалаш;

100. Кўприклар ва қувурлар қурилиш (реконструкция) жойини ва уларнинг конструктив ечимларини танлашда қуйидаги шароитларни ҳисобга олиш керак:

сув оқарларни (ариқ, сой, канал ва ҳ.к.) ювилиши, лойқаланиши ва ботқоқланишини ҳамда ўсимлик қатламини бузилишини;

ўзандаги ва ер ости сувлари оқишининг гидрогеологик режимини бузилиши ва флора ва фаунага минимал таъсирини;

ўзанда бўладиган жараёнларни (сувлар йиғилиб атрофдаги жойларга таъсирини, кўприк тагидан сув оқиб ўтиши шароитининг ўзгаришлари, сув оқими йўналишининг ўзгариши ва унинг қирғоқ деформацияланишига таъсири);

101. Сув оқарларни кесадиган жойдаги сув ўтказувчи иншоотнинг сонини ва ўлчамларини белгилашни атрофдаги табиий муҳитга кўрсатадиган таъсирини ҳисобга олган ҳолда бажариш керак.

102. Кўприклар ва қувурларни лойиҳалаётганда ҳар хил оқиндиларнинг йиғилиб қолишига йўл қўймайдиган қурилмалар ва тадбирлар кўрсатилиши керак.

103. Сув оқарларда кўприклар ва қувурларни лойиҳалашда тошқин сувлар ўтадиган бўлганида, атрофдаги жойларга хавфли экологик таъсирларни йўқотиш учун мазкур ШНҚнинг 18 ва 25-бандларига риоя этиш керак.

104. Кўприкнинг қабул қилинган кўрсаткичларидан бўладиган салбий экологик оқибатларни олдини олиш учун мазкур ШНҚнинг 27 ва 36-бандларини ҳисобга олган ҳолда муайян жойнинг табиий шароитларини тўла равишда эътиборга олиш керак.

105. Кўприклар ва йўл ўтказгичларни лойиҳалаётганда мазкур ШНҚнинг 82 ва 98-бандларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда ўтиш қисмининг устидан сувни четлатиш борасида муайян тадбирлар мўлжалланиши зарур. Сувларни қатнов қисмдан кўприкни четига чиқариш учун қияликни таъминлаб бериш керак. Кўприклар ва йўл ўтказгичларнинг конуслари атрофида сувларни қабул қилувчи махсус ускуналар, тозаловчи иншоотлар ёки ифлос сувларни оқизадиган тармоқлар ёрдамида сувларни кетказиш ишлари ташкил этилиши керак.

Йўналтирувчи иншоотлар сув оқарлар режимини минимал (асосланган) ўзгаришларни таъминлаб бериши керак.

106. Янги кўприкли иншоотларни лойиҳалаш ва мавжудларини реконструкция қилишда атроф-муҳитга бўлган таъсирни олдиндан баҳолаш керак.

107. Қурилиш майдонларини жойлаштириш ва кўприк ўтиш жойи, йўл ўтказгичлар, эстакадалар, шунингдек, қувурларни қуриш ишларини бажаришда ГОСТ 17.5.1.03 га биноан қимматли табиат ерларини сақлаш ҳисобга олиниши керак.

### 16-БОБ. ЮКЛАМАЛАР ВА ТАЪСИРЛАР

***1-§. Юкламаларнинг биргаликдалиги***

108. Кўприк ва қувурлар конструкциялари қуйидаги 5-жадвалга кўра қабул қилинган юкламалар ва таъсирлар билан биргаликда ҳисобланиши керак.

**5-жадвал**.

| Юкламалар (таъсирлар)нинг рақами | Юкламалар ва таъсирлар | Ушбу юклама билан (таъсир билан) биргаликда олинмайдиган юкламанинг (таъсирнинг) рақами |
|---|---|---|
| **А. Доимийлари** | | |
| 1 | Конструкциянинг ўз оғирлиги | – |
| 2 | Олдиндан кучлантиришнинг таъсири (жумладан, зўриқишларни маъқул ҳолатга ўзгартириш) | – |
| 3 | Кўтарма оғирлигидан грунтнинг босими | – |
| 4 | Гидростатик босим | – |
| 5 | Бетоннинг (кичрайиши) ўтиришидан ва оқишидан бўладиган таъсир | – |
| 6 | Грунт чўкишининг таъсири | – |
| **Б. Вақтинчаликлари** *Ҳаракатланаётган таркибдан ва пиёдалардан бўладигани* | | |
| 7 | Вертикал юкламалар | 16, 17 |
| 8 | Ҳаракатланаётган таркиб таъсиридаги грунт босими | 16, 17 |
| 9 | Марказдан қочувчи кучдан бўладиган горизонтал ҳолатдаги кўндаланг юклама | 10, 16, 17 |
| 10 | Ҳаракатланаётган таркибнинг горизонтал ҳолатдаги кўндаланг зарбалари | 9, 11, 12, 16–18 |
| 11 | Тормозланиш ёки тортиш кучидан бўладиган горизонтал ҳолатдаги бўйлама юклама | 10, 13, 14, 16, 17 |
| Бошқалари | | |
| 12 | Шамолдан бўладиган юклама | 10, 14, 18 |
| 13 | Муздан бўладиган юклама | 11, 14, 16, 18 |
| 14 | Кемаларнинг тўлқинидан бўладиган юклама | 11–13, 15–18 |
| 15 | Иқлим ҳароратларининг таъсирлари | 14, 18 |
| 16 | Грунтларнинг совуқдан шишишини таъсири | 7–11, 13, 14, 18 |
| 17 | Қурилиш юкламалари | 7–11, 14, 18 |
| 18 | Сейсмик юкламалар | 10, 12–17 |

*Изоҳлар: зарур ҳолатларда ҳисоблашда бошқалари таъсир турига кирувчи таянч қисмлардаги ишқаланиш ва қаршиликларни инобатга олиш керак.*

*Чидамлиликка ҳисоблашларни доимий юкламалар ва таъсирлар билан № 7-9 рақамлардаги вақтинчалик юкламаларнинг биргаликдаги таъсирига ўтказилади. Бу ҳолда пиёдалар йўлакларидаги вертикал йўналишдаги йўловчилардан тушадиган юклама ҳамда ҳаракатланувчи таркибдан тушадиган вертикал юклама билан биргаликда ҳисобга олинмаслиги керак.*

*II - гуруҳ чегаравий ҳолатларга ҳисоблашларни фақат № 1- 9, 15 ва 17 рақамли юкламалар ва таъсирларнинг биргаликдаги миқдорларига ўтказиш керак. Ушбу ҳолда темир-бетон конструкцияларнинг ёрилишга бардошлилигини ҳисоблашларда № 11 рақамли юкни ҳам, таянчларнинг тепа қисмини горизонтал кўчишга ҳисоблашда № 10, 12 ва 13 рақамли юкларни ҳам эътиборга олиш керак.*

109. Ҳисобий юкламаларнинг бир вақтнинг ўзида пайдо бўлиш эҳтимолининг камайишини ҳисобга олувчи биргаликдаги коэффициенти n нинг қийматини барча ҳисоблашларда қуйидаги миқдорларни олиш лозим:

№1-6 рақамли доимий юкламаларга, №17 рақамли юкка ва темир йўлдаги юксиз ҳаракатланувчи таркибнинг оғирлиги учун 1,0;

вақтинчалик юкламаларнинг фақат биттасининг таъсирини ҳисобга олганда ёки биттаси бошқасига яқиндан боғлиқ бўлган №7-9 - рақамли юкламалар гуруҳи юкламаларсиз таъсир этганида – 1,0;

иккита ёки ундан кўпроқ вақтинчалик юкламалар таъсирини ҳисобга олганда (№7-9 рақамли юкламалар гуруҳини шартли равишда битта юклама деб санаганда) – вақтинчалик юкламаларнинг биттаси учун – 0,8, қолганлари учун 0,7 га баробар деб қабул этиш керак.

Изоҳлар:

1. №12 рақамли юкламада №7 рақамли юклама билан биргаликда дейиладиган барча ҳолларда, юкламани ҳосил этувчи ҳаракатланувчи таркибнинг турига кўра *n* коэффициентини қуйидагича қабул этиш керак:

▶ 7-бет

◀ 6-бет

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг
2022 йил 15 июндаги 109-сон буйруғига
ИЛОВА**

# ШНҚ 2.05.03-22 "КЎПРИКЛАР ВА ҚУВУРЛАР" ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ёнидан таъсир этувчи шамолдан ҳимоя қилинмаган метрополитен поездлари билан ва ҳаракатланувчи темир йўл таркиби билан юкланганида – 0,5 ва ўша ҳолда галереялар билан ҳимоя қилинганида – 1,0;

автотранспорт воситалари ва трамвай вагони билан юкланганида – 0,25;

автомобиль ва шаҳар кўприклари учун орасида №7 рақамли юкламаси бўлмаган бир нечта вақтинчалик юкламалар таъсир этганида №12 рақамли юкка $n = 0,5$;

2. Юкламаларни биргаликда таъсир этади деб олинган барча ҳолларда №7-9 рақамли юкламаларига бир хил миқдорда, № 11 юкка №7 рақамли юкникидан катта бўлмаган миқдорда қабул қилинади.

3. №18 рақамли юкламани №7 рақамли юклама билан биргаликда ҳисобга олганда, №18 рақамли юкламага $n$ коэффициентни 0,8 га, қолган вақтинчалик юкламаларга, темир йўл кўприклари учун (фақат битта йўлдан) 0,7, шаҳар ва автомобиль йўллари кўприги учун – 0,3 миқдорда қабул қилинади.

4. Вақтинчалик юкламалар ва таъсирларнинг биргаликда бўлишининг ҳар хил ҳолатлари учун $n$ коэффициентининг қийматлари мазкур ШНҚнинг 13-иловасида келтирилган.

110. Конструкцияларни барча гуруҳ чегаравий ҳолатларида ҳисоблашларда юкламалар ва таъсирларнинг қийматларини норматив юкламалар ва таъсирларнинг ҳар биттасининг ўзларига тўғри келадиган, (мазкур ШНҚнинг 117 ва 137-бандларидаги юкламаларга кўра) ишончлилик коэффициенти $\gamma f$ билан ва (мазкур ШНҚнинг 129-бандига мувофиқ) $1+\mu$ ёки $1+2/3\mu$ динамик коэффициентлар билан биргаликда қуйидаги 6-жадвалда кўрсатилганларга асосан қабул қилинади.

**6-жадвал.**

| Чегаравий ҳолатлар гуруҳи | Ҳисоблаш тури | Киритиладиган коэффициент | |
|---|---|---|---|
| | | Ҳаракатланувчи тик йўналишдаги юклардан ташқари барча юкламалар ва таъсирларга | Ҳаракатланувчи тик йўналишдаги (вертикал) юклама* |
| I | а) мазкур жадвалнинг "б"–"г" бандларида кўрсатилган ҳисоблашлардан ташқари барча ҳисоблашларда | $\gamma f$ | $\gamma f$ ; $1+\mu$ |
| | б) чидамлиликка ҳисоблашда | $\gamma f = 1$ | $\gamma f = 1$ ; $1+2/3\,\mu$ |
| | в) ҳолатнинг устуворлигига ҳисоблаганда | $\gamma f$ | $\gamma f$*** |
| | г) сейсмик юкламаларни биргаликда олгандаги ҳисоблашларда | $\gamma f$** | $\gamma f$ |
| II | темир-бетондаги ёрилишларнинг пайдо бўлишлари ва кенгайишларини ҳисоблашларни ҳам ичига қамраб олувчи барча ҳисоблашларда | $\gamma f = 1$ | $\gamma f = 1$ |

*Изоҳлар:*

**вертикал юклар алоҳида кўрсатилиб ўтилмаган бўлса бошқа ҳолларда (мазкур ШНҚнинг 130-бандига кўра юклама кўтарувчи кранлардан тушадиган юклардан ташқари) динамик коэффициент 1+μ ни бирга тенг деб қабул қилинади;*

***Сейсмик юкламаларни қиймати бирга тенг бўлган юкламага нисбатан ишончлилик коэффициенти билан қабул қилиш керак;*

****Юк ортилмаган темир йўл таркиби ва метрополитенлар учун γf=1;*

### *2-§. Доимий юкламалар ва таъсирлар*

111. Ўз оғирлигидан бўладиган (конструкция) меъёрий вертикал юкламаларнинг қисмлари ва элементларининг ҳажмларини лойиҳалашда алоқа ва электр симлари таянчлари, доимий кўришга керакли мосламалар, қувур ўтказгичлар ва бошқа оғирликлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

Тўсин туркумидаги оралиқ қурилмаларнинг ўз оғирликларидан бўладиган юкламаларни узунлигига тўғри келадиган ўртача миқдори билан улар оғирлигининг фарқи 10 фоизгача бўлганида, у юкламани бутун узунлигига тенг тарқалган деб қабул қилиш мумкин.

Бир темир йўл йўналишининг кўприк полотноси оғирлигидан тушадиган юкламани қуйидаги миқдорларга тенг деб қабул қилиш керак:

ёғоч кўндаланг тўсинчалар бўлганида ва пиёдалар йўлаклари йўқ ҳолда – 6,9 кН/m (0,70 тк/m);

металл консолли иккита йўлакчали ва темир-бетон плита кўндаланг тўсинчали йўлга тушадиган юкламани – 12,7 кН/m(1,30 тк/m);

пиёдалар йўлакларисиз ва темир-бетон балластсиз плита бўлган йўлларда – 16,7 кН/м(1,70 тк/m);

иккита пиёдалар йўлаклари бўлган йўлларда – 22,6 кН/m (2,30 тк/m).

Пайвандлаш чокларининг, гайкали ва иккита шайбали юқори мустаҳкамликдаги болтлар чиқиб турадиган қисмларининг оғирликлари металлнинг умумий оғирлигига нисбати қуйидаги 7-жадвалга мувофиқ қабул қилиниши лозим.

**7-жадвал.**

| Металл конструкция | Пайвандлаш чоклари, % | Юқори мустаҳкамликдаги болтларнинг чиқиб турадиган қисмлари, иккита шайба гайкалар, % |
|---|---|---|
| Болтли пайвандланган | 1,0 | 4,0 |
| Пайвандланган | 2,0 | |

112. Конструкцияларда олдинги кучланишнинг меъёрий таъсири (шу жумладан, кучни тартибга солиш) кўриб чиқилаётган иш босқичига мос келадиган йўқотишнинг меъёрий қийматларини ҳисобга олган ҳолда таъминланган (назорат қилинадиган) кучга мувофиқ белгиланади.

Темир-бетон ва пўлат темир-бетон конструкцияларда, кучлантириш ва зўриқишларни тартибга солиш ишларини бажариш технологияси билан боғлиқ йўқотишлардан ташқари, бетоннинг торайиши ва емирилишидан бўладиган йўқотишларни ҳам ҳисобга олиш керак.

113. Кўприкларнинг таянчлари ва қувурларнинг бўғинларига тупроқ кўтарма оғирлигидан тушадиган грунтнинг меъёрий босимини қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаш керак, кПа (тк/m2):

а) вертикал босими

кўприкларнинг таянчлари учун

$$\rho_v = \gamma_n h , \quad (3)$$

қувурлар бўғинлари учун

$$\rho_v = C_v \gamma_n h, \quad (4)$$

б) горизонтал (ён томондан) босими

$$\rho_n = \gamma_n h_x \tau_n, \quad (5)$$

бу ерда $h$, $h_x$ – кўприкларнинг қирғоқ таянчлари учун мазкур ШНҚнинг 4-иловасига, қувурлар бўғинлари учун мазкур ШНҚнинг 5-иловасига мувофиқ аниқланадиган кўмиш баландлиги, m да;

$\gamma_n$ – грунтнинг меъёрий солиштирма оғирлиги кН/м3 (тк/м3)да;

$C_v$ – қувурлар бўғинлари учун мазкур ШНҚнинг 5-иловасига мувофиқ аниқланадиган вертикал босим коэффициенти;

$\tau_n$ – кўприкларнинг қирғоқ таянчларини кўмувчи грунтларнинг ён томондан меъёрий босимининг коэффициенти, у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\tau_n = tg_2\,( 45° - \varphi_n / 2 ), \quad (6)$$

бу ерда $\varphi_n$ – грунтнинг меъёрий ички ишқаланиш бурчаги, град; $\gamma_n$ ва $\varphi_n$ ларнинг қийматларини ҳамда иншоотни кўмишга мўлжалланган грунтлар намуналарини лаборатория текширишлари асосида қабул қилинади.

Техник лойиҳалашларда грунтнинг меъёрий босимини аниқлашда, кўмиш грунтининг солиштирма оғирлигини $\gamma_n = 17{,}7\ кН/m^3\ (1{,}80\ tk/m^3)$, меъёрий ички ишқаланиш бурчаги φn ни қирғоқ таянчлари учун, қумлоқ (намликни сингдириб қуритадиган) грунтлар билан кўмилганда 350 деб, тупроқ кўтарма остидаги қувур бўғинлари учун 300 деб, қувурлар каллаклари учун 250 деб қабул қилиш керак.

Кўприклар таянчига грунтнинг ўз оғирлигидан бўладиган меъёрий горизонтал (ён томонидан бўладиган) тенг таъсир этувчи босимни аниқлаш услуби мазкур ШНҚнинг 4-иловасида келтирилган.

114. Меъёрий гидростатик босимни (сув салмоғи таъсирини) юқоридаги 7-жадвал кўрсатмаларига биноан аниқлаш керак.

115. Бетоннинг чўкиши ва оғиши таъсирини нисбий деформациялар турида қабул қилиниши ва конструкциялардаги зўриқишлар ва кўчишларни аниқлашда ҳисобга олиниши керак. Бетон оғиши фақат доимий юклар таъсиридан аниқланади.

Ишнинг кўриб чиқилаётган босқичи учун стандарт чўкиш ва ўрмаланиш деформацияларининг қийматлари мазкур ШНҚнинг 145-банди ва 10 ва 12-иловалари кўрсатмаларига мувофиқ бетоннинг чекловчи нисбий қисқариш деформациялари εn ва бетоннинг ўзига хос силжиш деформациялари cn қийматлари билан аниқланиши керак.

116. Ташқи статик ноаниқ туркумдаги оралиқ қурилма қўлланилганида кўприк таянчининг заминидаги грунтнинг чўкишидан бўладиган меъёрий таъсир ҳисобга олиниши керак ва пойдеворлар чўкишларини ҳисоблаш натижаларига кўра қабул қилинади.

117. Мазкур ШНҚнинг 111–116-бандларида кўрсатилган доимий юкламалар ва таъсирлар учун юкламаларга кўра ишончлилик коэффициенти қуйидаги 8-жадвалга мувофиқ қабул қилиниши керак. Ҳар хил юкланган тармоқлар учун $\gamma f$ мазкур ШНҚнинг 42 ва 43-бандларига кўра қабул қилинадиган, ҳолатнинг устуворлигига ҳисоблашдан бошқа барча ҳолларда $\gamma f$ нинг қийматини бир хил олиш керак.

**8-жадвал.**

| Юкламалар ва таъсирлар | Юкламаларга кўра ишончлилик коэффициенти $\gamma f$ |
|---|---|
| Ушбу жадвалдаги пастда кўрсатилганлардан ташқари барча юкламалар ва таъсирлар | 1,1 (0,9) |
| Метрополитен ва трамвай йўллари, темир йўл тагидаги ҳаракат балластда ўтадиган кўприк тўшаманинг оғирлиги | 1,3 (0,9) |
| Бетон ва темир-бетон тахталардаги трамвай йўли тагидаги балластли кўприк тўшамасининг оғирлиги | 1,2 (0,9) |
| Автомобиль йўллари ва шаҳарлар кўприкларининг текисловчи, намтўсгич ва ҳимояловчи қатламларининг оғирлиги | 1,3 (0,9) |
| Автомобиль йўллари кўприклари пиёдалар йўлаклари ва юриш полотноси қопламаларининг оғирлиги | 1,5 (0,9) |
| Шаҳар кўприкларидаги юқорида кўрсатилган жойлар қопламаларининг оғирлиги | 2,0 (0,9) |
| Кўприклардаги ёғоч конструкцияларнинг оғирлиги | 1,2 (0,9) |
| Тупроқ кўтарма оғирлигидан бўладиган грунтнинг горизонтал йўналишдаги:<br>кўприклар таянчларига бўладиган босими;<br>қувурлар бўғинларига бўладиган босими. | 1,4 (0,7)<br>1,3 (0,8) |
| Бетоннинг оқиши ва ўтиришдан бўладиган таъсири | 1,1 (0,9) |
| Грунтларнинг чўкишининг таъсири | 1,5 (0,5) |

*Изоҳлар: ички хўжаликлар ичидаги автомобиль йўлларидаги кўприклар учун γf нинг қийматларини умумий фойдаланишдаги йўллардаги кўприклардагидек қилиб олиш керак.*

Юкламаларнинг ноқулай биргаликдалигидан, уларнинг конструкция элементларига умумий таъсири кўпайиб кетадиган бўлганида $\gamma f$ нинг кўрсатилган қавс ичидаги қиймати қабул қилинади.

### 3-§. Ҳаракатланаётган таркиб ва пиёдалардан тушадиган вақтинчалик юкламалар

118. Ҳаракатланаётган темир йўл таркибидан меъёрий вақтинчалик вертикал юкламани (СК) (темир йўлдаги транспорт воситаларининг келажак ривожини ҳисобга олган ҳолда) оғирликлари 24,5К кН (2,50К тс) бўлган бир нуқтага тўпланган алоҳида юклар гуруҳидан ва интенсивлиги 9,81К кН/м (1К тс/м) бўлган тенг тарқалган юкламадан олинган энг кўп (максимал) эквивалент юкламалар v, кН/м (тс/м) турида қабул қилиш керак.

К кўрсаткич белгиланган юклама синфи қуйидагига тенг бўлади:

капитал иншоотлар учун - 14;

ёғоч кўприклар учун - 10.

Меъёрий v юкламани интенсивлигининг жадвали ва ушбу юклама билан юклаш таъсир чизиқларини қоидаси мазкур ШНҚнинг 6-иловасида келтирилган. Бунда қуйидаги белгилашлар қабул қилинган:

$\lambda$ таъсир чизиғи юкланган қисмининг узунлиги (m да);

$a = a / \lambda$ таъсир чизиғи чўққисининг нисбатан ҳолати;

$a$ таъсир чизиғи чўққисидан чекасигача кам масофада бўлган томонининг проекцияси, m.

Йўлнинг 1 m га тушадиган юкламани v нинг қийматига тенг деб қабул қилиш керак. Бунда $\alpha = a / \lambda = 0,5$, лекин у 19,62К кН/м (2К тс/м) дан ошмаслиги керак.

Бўш ҳаракатланувчи таркибдан вақтинчалик вертикал юк йўлнинг 13,7 кн/м (1,40 ц/м) га тенг бўлиши керак.

Махсус ҳаракатланаётган оғир темир йўл таркиби юриши мўлжалланган саноат корхоналарининг темир йўл йўналишидаги кўприклар ва қувурларни ҳисоблаш учун меъёрий юкламанинг мавжуд оғирлигини эътиборга олиб қабул қилиш керак.

Қуйида кўрсатилган ҳолларда, СК юкламани ҳисоблашларга темир йўлларда фақат перспектив локомотивлар ва вагонлар мавжудлигини ҳамда оғир транспортёрлар йўқлигини ҳисобга олувчи < 1 коэффициент билан киритиш керак.

ε СК юкламани қуйидаги ҳисоблашларда:

чидамлиликка;

темир-бетон конструкцияларни сейсмик юкламалар бўйича ёриқнинг очилиши ҳамда барча йўллар юкланганда оралиқ қурилмаларнинг эгилишларини ва таянчларнинг кўчишларини аниқлаётганда, иккинчи ва учинчи йўлларни юклаганда ҳамда ҳисоблашнинг барча турларини бажарганда қабул қилиш керак.

ε коэффициентининг қийматини қуйидаги 9-жадвалдан аниқлаш лозим.

**9-жадвал.**

| Юклаш узунлиги λ, m | Коэффициент ε |
|---|---|
| 5 ва ундан кам | 1,00 |
| 10 дан 25 гача | 0,85 |
| 50 ва ундан кўп | 1,00 |

*Изоҳ: агар ҳисоблашларда ε коэффициентдан ташқари динамик коэффициент (1 + μ ёки 1 + 2 / 3μ) эътиборга олинса, улар кўпайтмасининг қиймати 1,0 дан кам олинмаслиги керак.*

*λ нинг орадаги қийматлари учун ε ни интерполяция қилиш билан аниқлаш керак.*

119. Шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчаларидаги ва йўлларидаги ҳамда (умумий фойдаланишдаги, хўжаликлар ичидаги ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг, ташкилотларининг) автомобиль йўлларидаги ҳаракатланаётган таркибдан бўладиган қуйидаги меъёрий вақтинчалик вертикал юкламалар (перспективаларни ҳисобга олган ҳолда) қабул қилинади:

а) автотранспорт воситаларидан – АК (автомобиль ғилдираклари) йўлаклари туридаги (1-расм) ҳар бир ўқига тенг 9,81К кН (1К tk) қийматдаги, юк тушадиган иккита ўқли аравадан ва v -интенсивлиги иккита изига 0,98К кН/m (0,10К tk/m) тўғри келади. С - ғилдиракнинг йўл қопламасида сирғалиш узунлиги (mда).

АК юклама билан трамвай йўллари ҳам юкланади, агар улар учун мўлжалланмаган тўшамада бўлса.

V тоифали йўллар ва II-с, III-с тоифали хўжалик йўлларда жойлашган ёғоч кўприклар учун 8 деб олинувчи К барча кўприкларда 14 га баробар деб қабул қилиниши керак.

Қайта қуриладиган иншоотлар учун юк синфи А11 дан кам бўлмаган ҳолда лойиҳаланиш топшириғи билан қабул қилинади.

Худди шу синф алоҳида шаҳар тузилмалари учун оғир автомашиналарнинг аҳоли пунктлари кўчалари орқали ўтишини тақиқлаш орқали ҳам қабул қилиниши мумкин;

б) ғилдиракли ва ўрмаловчи (занжирли) якка оғир юкламалардан:

А14 юкламасига лойиҳаланадиган кўприклар ва қувурлар учун - умумий оғирлиги 981 кН (100 тк) бўлган (тўртта ўқли битта машинадан) ғилдиракли юклама НК-100 тушади;

А11 юкига лойиҳаланадиган кўприклар ва қувурлар учун умумий оғирлиги 785 кН (80 тк) бўлган (тўртта ўқли битта машинадан) НК-80 юклама тушади;

А8 юкига лойиҳаланадиган кўприклар ва қувурлар учун умумий оғирлиги 588 кН (60 тк) бўлган ўрмаловчи юклама (битта машинадан) НГ-60 тушади;

А8 юкига лойиҳаланадиган кўприк қатнов қисми элементларини 108 кН (11 тк) га тенг бўлган битта ўқли босимга (1 расм, б), А 11 юки учун эса – 137 кН (14 тк) тенг босимга текшириш керак;

в) метрополитеннинг ҳаракатланаётган таркибининг ҳар қайси йўлига - ҳар бир вагонга умумий оғирлиги 588 кН (60 тк) юклама ортилган тўртта ўқли (1-расм, г), вагонлардан ташкил топган ҳисобий узунликдаги поезд таркиби шаклида қабул қилинади. Таъсир чизиғининг бир хил белгили иккита ёки учта қисмини тўла юклаганда, у қисмларни ажратиб турувчи бошқа белгили қисмларини ҳар бирининг оғирлиги 294 кН (30 тк) бўлган бўш вагонлар билан юклаш керак;

г) йўлдаги трамвайдан тушадиган юк (трамвай йўлларининг ўзича ажратилган ёки алоҳида полотнода жойлашганида), ҳар биттасининг умумий оғирлиги 294 кН (30 тк) юкланган, 147 кН (15 tk) юкланмаган тўртта ўқли вагондан (1-расм, д) иборат поезд турида;

битта поездга вагонлар сони тўрттадан кўп бўлмаган, ёнма-ён жойлашган поездларнинг четкаларидаги ўқларини орасидаги масофа камида 8,5 m бўлиши керак деган чеклашларга риоя қилган ҳолда поезддаги вагонларнинг сони ва поездлар орасидаги масофалар энг ноқулай юкка тўғри келиши керак.

Кўрсатилган юкламалар билан юкланганда, ҳисобланаётган элементларда энг катта зўриқишларни, конструкциянинг нормада кўрсатилган жойларида максимал силжишларни (деформацияларни) ҳосил этадиган бўлишлари керак.

Бу ерда барча ҳолларда АК юки учун қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

ҳар хил белгили, учта ёки ундан кўп бўлган бўлакли таъсир чизиқлар бор бўлганида, кўрилаётган белги учун зўриқишнинг (силжишнинг) энг катта қийматини берадиган бўлаги арава билан, шу белгидаги зўриқишни (силжишни) ҳосил қиладиган барча бўлаклар (узунасига зарурий узилишлар билан) юкланиши керак;

кўприкда жойлашадиган юк йўлаги сони белгиланган ҳаракат йўлаги сонидан ошмаслиги керак;

қўшма йўлакли юкланиш ўқларининг орасидаги масофа 3,0 m дан кам бўлмаслиги керак;

ҳар қайси томонга кўп йўлакли ҳаракат бўлганида ва кўприкда ажратувчи тасма бўлмаганида, ҳар битта йўналишдаги юкламанинг чапдаги (ички) четка йўлагининг ўқи ҳаракатлар йўналишини ажратиб турадиган чизиққа ёки кўприкнинг ўқ чизиғига 1,5 m дан яқин масофада жойлашмаслиги керак.

Кўприк конструкцияларини мустаҳкамликка ва устуворликка ҳисоблашларда АК юкламаси таъсирининг иккита ҳолати кўрилиши керак:

Биринчиси - ўтиш қисмида (бунга хавфсизлик йўлаклари кирмайди) ҳаракат йўлаклари сонидан ошмайдиган юклама йўлаклари сонини ноқулай ҳолатда жойлаш кўзда тутилади;

Иккинчиси - пиёдалар йўлаги юкланмаган ҳолда, ўтиш полотносининг барча кенглиги бўйлаб (хавфсизлик йўлаклари билан бирга) иккита йўлакли юклаш (битта йўлакли кўприкларда -битта йўлакли юклаш) кўзда тутилиши керак.

Биринчи ҳолатда АК юкламасининг четкадаги қаторининг ўқи ўтиш қисми четкасидан, иккинчи ҳолатда ўтиш полотноси тўсиғидан (бордюрдан) 1,5 m дан кам бўлмаган масофада жойлашган бўлиши керак.

Конструкцияни чидамлиликка ва иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатига кўра ҳисоблашларда АКнинг фақат биринчи ҳолатдаги жойлашгандаги таъсири кўрилиши керак.

Кўрилаётган кесимда, бир нечта куч омилларининг биргаликдаги таъсирини аниқлаётганда, АК юкламасини ҳар битта омил учун энг ноқулай ҳолатга жойлаштириш мумкин.

Метрополитен йўли тагидаги (бошқа ҳаракат билан бирлаштирилмаган) кўприкларни биринчи гуруҳ чегаравий ҳолларига ҳисоблашларда, унинг битта йўлини динамик таъсир кўрсатмайдиган, аммо узунлиги ҳисобий поездникидан катта (икки баробаргача) поезд билан юклашга текширилиб кўрилиши керак.

Бу ҳолда, иккита йўлли кўприкларда иккинчи йўл ҳисобий узунликдаги поезд билан юкланиши керак.

Оғир якка жойланадиган юкламалар НК-100, НК-80 ва НГ- 60 ни, ҳаракат йўналиши бўйлаб ўтиш қисмининг хоҳлаган участкасида (хавфсизлик йўлаги бунга кирмайди) жойлаштириш керак; улар учун эквивалент юкламалар мазкур ШНҚнинг 7-иловасида келтирилган.

НК юкламанинг ўқи ўтиш қисмининг четкасига 1,75 m дан кам бўлмаган ҳолда жойлаштирилиши керак. Бундан ташқари иккиланган 12 m масофада жойлашган (биринчи юкнинг охирги ўқи ва иккинчи юкнинг олдинги ўқи) НК юкламаси таъсирига 0,75 га тенг бўлган пасайтириш коэффициентини инобатга олиб текшириш керак.

Изоҳлар: Агар кўприкда эни 3 m ва ундан катта бўлган, тўсилмаган ажратиш йўлаги кўзда тутилган бўлса, кўприкни вақтинчалик вертикал юкламалар билан юклаётганда, келажакда ажратувчи йўлакни ҳам ҳаракат ўтказишга фойдаланиш мумкин бўлишлигини ҳисобга олиш керак.

Чидамлиликка ва ёрилмасликка ҳисобланаётганда НК-100, НК-80 ва НГ-60 юкламалар ҳисобга олинмайди ҳамда улар пиёдалар йўлакларидаги вақтинчалик юкламалар ва сейсмик кучлар билан биргаликда ҳисобланмайди. Иккинчи чегаравий ҳолат ҳисоблашларида НК юкламаси 0,8 коэффициенти билан олинади.

Трамвай йўлларини автотранспорт воситаларидан (119, а, б.) тушадиган юклама билан юклаганда АК юкламаси йўлаклари ўқларини трамвай йўллари ўқлари билан устма-уст бўладиган этиб жойлаш керак.

Ўтиш қисмидаги қопламанинг қалинлиги чегарасида босимнинг тарқалишини 45ли бурчак остида қабул этиш лозим.




**1-расм**. Автомобиль йўллари ва шаҳар кўприкларини ҳисоблаш учун, ҳаракатланаётган таркибдан тушаётган юкламалар (таъсирлар)нинг схемалари.

Бунда:

а - интенсивлиги бўлган, тенг тарқалган юк йўлаги ва ўқига Р босимли якка жойлашган арава шаклдаги АК автомобиль юкламаси;

б - А11 ва А8 юкламасига лойиҳаланадиган кўприкларнинг ўтиш қисмини текшириш учун керакли битта ўққа тушаётган юклама;

в - оғир НК -100, НК-80, НГ-60 юкламалари;

г-метрополитен поездлари;

д - трамвай поездлари.

▶ ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНЛАРДА


ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА
ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ
барча юртдошларимизни
Янги — 2024 йил билан самимий табриклайди.
Янги йил юртимизга тўкинлик, хонадонларимизга қут-барака олиб келсин!
Оилавий тотувлик, бахт ва саодат доимий ҳамроҳингиз бўлсин!


АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
бағрикенг, танти халқимизни кириб келаётган
Янги йил билан самимий
муборакбод этади.
Ушбу шукуҳли кунларда барчангизга
сиҳат-саломатлик, бахт ва фаровонлик тилаймиз.
Мана шундай, байрамона кайфият сизни
ҳеч қачон тарк этмасин!
2024


ҚУРИЛИШДА МУҲАНДИСЛИК ҚИДИРУВЛАРИ, ГЕОАХБОРОТ, ШАҲАРСОЗЛИК КАДАСТРИ ЛОЙИҲА ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ
барчангизни кириб келаётган
Янги – 2024 йил
билан чин юракдан муборакбод этади.
Меҳнатларингиз самарасини кўриб, халқ дуосини олиш насиб қилсин!
202
4


ЖОНАЖОН ХАЛҚИМИЗНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЭНГ ҚУВОНЧЛИ ВА ШУКУҲЛИ БАЙРАМ –
ЯНГИ ЙИЛ
БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ.
ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ҲАЁТИМИЗ ҚУВОНЧУ ШОДЛИККА ТЎЛА БЎЛСИН!
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ "UNIVER PRO STILE" МЧЖ ЖАМОАСИ


"QO'SHRABOT TUMAN YO'LLARDAN FOYDALANISH KORXONASI" DM
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ МЕҲНАТКАШ БУНЁДКОРЛАРИ ВА БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
Янги йил билан табриклаймиз.
2024 ЙИЛ БАРЧАНГИЗГА УЛКАН ОМАДЛАР ОЛИБ КЕЛСИН. ҚУТЛУҒ ЙИЛДА ЭНГ ЯХШИ ТИЛАКЛАРИНГИЗ АЛБАТТА, РЎЁБГА ЧИҚСИН!


БУХОРО ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ
барча ватандошларимизни,
шу жумладан, юртимизда
кенг кўламли бунёдкорлик ишларига
муносиб ҳисса қўшаётган қурилиш
соҳаси ходимларини
Янги – 2024 йил
билан табриклайди!


2024
ЖОНАЖОН ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ ВА
ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА МАШАҚҚАТЛИ
ҲАМДА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАРНИ
АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ҚУРУВЧИЮ
МУҲАНДИС, МЕЪМОРУ ЛОЙИҲАЧИЛАРНИ
Янги йил байрами
БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.
СИЗЛАРГА МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ
ВА КУЧ-ҚУВВАТ ТИЛАЙМИЗ!
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ


АЗИЗ ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ, БУНЁДКОРЛИК
ИШЛАРИДА ҲОРМАЙ-ТОЛМАЙ МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН
ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН
Янги йил билан чин дилдан
муборакбод этамиз.
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ
ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ


БАРЧА ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИ,
ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА
МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЁТГАН
ҚУРУВЧИЛАР, МУҲАНДИСЛАР
ВА ЛОЙИҲАЧИЛАРНИ
ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН
Янги — 2024 йил
билан табриклаймиз.
НАВОИ ВИЛОЯТИ
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№99 (752) 2023 йил 26 декабрь

# АҲОЛИ УЛАРНИНГ ХИЗМАТИДАН МАМНУН

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компанияси коммунал соҳадаги янги замонавий хизмат кўрсатиш шаклларидан бири. Бу соҳага тадбиркорлик, қўшимча сервис хизматлар кўрсатиш ва энг асосийси, аҳолига қулайлик яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.**








Бугун биргина телефон орқали ҳар қандай коммунал соҳага оид муаммони бартараф этиш имкониятига эгамиз. Соҳадаги ислоҳотлар аҳолига шу ва шунга ўхшаш бошқа имкониятларни тақдим қилиб келмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларни пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида бошқарув сервис ташкилоти мисолида баён этмоқчимиз..

“Trast communal servise” бошқарув сервис компанияси жорий йил фаолиятини 2000 га яқин хонадондан иборат 24 та 16 қаватли уйларга хизмат кўрсатишдан бошлаган. Компаниянинг ўзига хослиги аҳолига максимал даражада қулайлик яратишни ташкил этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва соҳага замонавий технологияларни жалб этиш билан ифодаланади. Шу мақсадда коммунал хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш учун 200 миллион сўм инвестиция маблағлари йўналтирилган. Шунингдек, БСК тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, фуқароларни иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

– Компаниямиз ташкил топганига кўп вақт бўлгани йўқ, – деди “Trast communal servise” БСК иш юритувчиси Ғулом Усмонов. – Бу ерда новвойхона, тикувчилик цехи мавжуд бўлиб, 12 нафар ишчи-ходимлар меҳнат қилишади. Компания тасарруфидаги 24 та кўп қаватли уйларга 24 соатлик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган бўлиб, бунинг учун 5 нафар ишчиларимиз навбатчилик қилишади. Бизнинг хизмат кўрсатишимизга беэътибор бўлмаган бошқа кўп қаватли уйлардан ҳам қизиқиш билдирилмоқда.

Бугунги кунда БСКлар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, давлатимиз томонидан қатор имкониятлар яратиб берилмоқда. Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланаётган компания аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб, маблағларни коммунал муаммоларни бартараф этишга йўналтирмоқда.

БСКда ходимлар учун уч маҳал овқат ташкил этилган. Булардан ташқари, яна қўшимча имкониятлар сифатида пуллик хизматлар ҳам ташкил қилинган. 40 га яқин қўшимча сервис хизматлари йўлга қўйилган. Новвойхона, тикувчилик цехидан ташқари болалар парвариши, машиналарни ювиш шохобчаси, етказиб бериш каби кўплаб хизматлар ҳам ишлаб турибди. Мазкур хизматлар компаниянинг молиявий ҳолатини яхшилашни таъминламоқда. Шу сабабали компания ходимларининг ойлик маошлари қониқарли. Ходимларни қўллаб-қуватлаш, улар ўртасида оқибат ришталарини янада юксалтириш мақсадида турли байрамларда тадбирлар ташкил этиб турилади.

Айтиш керакки, Бошқарув сервис компанияси янги ташкил этилган бўлса-да, унинг ўз биноси бор. Биноси икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қаватда диспетчер, касса, тадбиркорлик фаолиятлари ўрин олган. Диспетчерлик хонасида барча шароитлар яратилган. Ҳудуд бўйича 70 та кузатув камералари ўрнатилган. Улар орқали хавфсизлик назорат қилиб борилади. Шунингдек, шу кунларда ёнғин хавфсизлиги бўйича ҳам тармоқларни ўрнатиш ишлари олиб борилиб, зарур хавфсизлик тугмаси ўрнатилган. Ҳудудда жиноятчиликни олдини олиш мақсадида Миллий гвардия билан мана шу тугма орқали алоқа ўрнатилган.

– Мазкур уйлар янги бўлгани сабабли бир кунда мурожаатлар сони 5-6 тани ташкил этади, – деди диспетчер Нафосат Йўлдошева. – Мазкур мурожаатларнинг аксариятини асосан сантехника ва ертўла қисмларидаги муаммолар ташкил этади. Лифт билан боғлиқ муаммолар ҳам юзага келиб туради. Бу жараёнларни биз камера орқали кузатиб турамиз. Мурожаат қабул қилингач, тегишли журналга қайд этилади. Мазкур муаммо юзасидан масъул ходимларимиз, мутахассисларимиз жойларга чиқадилар. Махсус бланкаларга эса мурожаатчининг муаммоси ўрганилиб, бартараф қилингани қайд этилади. Агар лифт билан боғлиқ мурожаатлар техника билан боғлиқ бўлса, уни бартараф этиш бироз чўзилиши мумкин. Акс ҳолда, бу каби муаммолар ўша куннинг ўзида бартараф этилади. Фавқулодда ҳолатлар юзасидан келган мурожаатлар биринчи навбатда бартараф этилади. Компаниядаги мавжуд автомашиналар ёрдамида ходимларимиз хонадонларга тез фурсатларда бориш имкониятига эга.

Компаниянинг моддий-техник базаси тўла таъминланган. Техник асбоб-ускуналар ҳам доимо шай ҳолатда. Бу ерда “Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар” деган нақлга амал қилиб келинади.

– Бизга хизмат кўрсатувчи компанияга тез-тез мурожаат қилиб турамиз, – деди шу ҳудудда истиқомат қилувчи Насиба Сотиболдиева. – Доимо ўз вақтида келиб, муаммоларимизни бартараф этишда кўмак беришади, барака топишсин. Ён-атрофимиз обод, болалар майдончалари ҳам яхши аҳволда.

Яна бир янгилик шуки, лифтга қурилма ўнатилган бўлиб, унинг тугмасини босиш орқали компания билан алоқага киришиш мумкин.

– Биз лифтларга мана шу қурилмадан ўрнатганмиз, – деди Ғулом Усмонов. – Бу орқали қўнғироқ қилса бўлади. Бунинг қулайлиги шуки, аҳолининг мурожаатларини шу орқали қабул қилиш имконияти ҳам бор.

БСКлар аҳолига сифатли хизмат тақдим қилиш билан бир қаторда қўшимча сервис хизматларини ташкил этиши учун барча шароитлар яратилган. Уларнинг фаолиятини яхшилашга қаратилган қатор қонунчилик ҳужжатлари ҳам шулар жумласидандир. Мазкур компания бу каби имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб келмоқда.

– Новвойчилик фаолиятини йўлга қўйганимизга бир ойдан ошди, – деди новвой Шаҳзод Кучеров. – Бир кунда 500 га яқин нон ёпамиз. Бу ерда акам иккимиз меҳнат қилиб, рўзғоримизни тебратяпмиз. Албатта, бизга мана шундай шароитларни яратиб бергани учун компанияга раҳмат деймиз.

“Trast communal servise” бошқарув сервис компанияси ходимлари аҳолининг эҳтиёжларини ўрганиб, сифатли хизмат кўрсатаётганидан аҳоли вакиллари мамнун. Юртимизда ана шундай сифатли хизмат кўрсатувчи компаниялар қанча кўп бўлса, халқимизнинг турмуши янада фаровон бўлади.

# Маданий меросни сақлаш барчамизнинг бурчимиз

**Жаҳонгир ЖЎРАЕВ,**
“Регистон” ансамбли гид-экскурсоводи, Ипак йўли халқаро туризм университети магистранти.

**Ҳар бир халқ ўз тарихини чуқур ўрганиш, миллий ўзлигини тиклаш орқалигина ёрқин келажагини барпо эта олади. Табиийки, юртимиз маданий мерос ёдгорликлари, урф-одат ва анъаналарга бой.**



Рақамларга таянадиган бўлсак, юртимизда 8 208 та моддий-маданий мерос объекти бўлиб, шундан 1 607 таси Самарқанд вилоятида жойлашган. Бу объектларнинг қурилиш ечими, уларда акс эттирилган ёзма маълумотларнинг мантиқий мазмуни, ўтмиш силсиласидан ҳикоя қилувчи турфа безаклар тарихимиз ва маданиятимизга қизиққан ҳар бир инсонни ҳайратга солади. Тарихий шаҳарлар ичида Самарқанд алоҳида ўринга эга бўлиб, у кўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, уларнинг асарлари ва қатор рисолалари Самарқанднинг археологик ва қадимий даври ҳақидаги билимларимизни янада бойитади.

Айни пайтда Ўзбекистондаги 4 та меъморий мажмуа – Хива, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Бу жойларда режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари Маданий мерос департаменти ҳамда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Кейинги пайтларда юртимиз ҳудудидаги ноёб маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, тарихий шаҳарларнинг бош лойиҳаси ва менежмент режасини ЮНЕСКО халқаро стандартлари ҳамда талабларига мувофиқ ишлаб чиқишга халқаро экспертлар ҳам кенг жалб этилган.

Бугунги кунда ЮНЕСКО билан яқин ҳамкорликда моддий ва номоддий мерос объектларини асрашга доир турли халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мазкур тадбирлар маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш йўлидаги долзарб муаммоларни кўриб чиқиш, халқаро тажрибани ўрганиш, уларни сақлашга доир миллий тизимни такомиллаштириш, бу йўналишдаги давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишларини аниқлаш имконини беради. Самарқанд ҳам бугун дунёнинг улкан туризм марказларидан бирига айланаётган, тараққиий этаётган, оламшумул қурилиш-бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаётган шаҳарлардан бири. Шу боис, ушбу тарихий маскандаги маданий мерос объектларини асл ҳолича, юқори сифатда сақлаб туриш, уни келажак авлодларга етказиш масаласи янада мураккаблашади, бу борадаги масъулият ва талаблар даражаси янада ортади.

Бунинг учун ушбу масалага мутасадди ташкилотлар масъулиятини янада ошириш, маданий меросни асраб-авайлаш, унга чуқур ҳурмат-эҳтиромда бўлишни янада юксалтириш лозим. Чунки аждодлардан қолган бебаҳо мерос халқники. Шундай экан, бу меросни биринчи галда халқнинг ўзи асраб-авайлаши, қадрига етиши зарур. Давлатимиз эса бу борада самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда ҳамда амалга оширмоқда.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, Самарқанднинг маданий меросини сақлаш ва бутун дунёга эътироф этишда яна баъзи ишлар амалга оширилса, каттароқ натижага эришилади. Жумладан, қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш жараёнида меъморий обидаларнинг транспортлар ҳаракатланадиган катта йўллар ёнида жойлашганлигини инобатга олиш, вақт ўтгани сари қадимий биноларнинг том, фасад ва ички қисмларининг таъмирталаб ҳолга келаётгани туфайли уларни табиий шароитга мослаштириш зарур. Бундан ташқари, тарихий иншоотларга замонавий инновацион технологияларни қўллаш, моддий-маданий мерос объектларини илмий ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳам зарур чоралар ишлаб чиқиш лозим.

Шунингдек, мазкур объектларнинг бутунлиги ва қийматини сақлаб қолиш учун лойиҳалаш, реставрация-тиклаш ишларини доимий равишда олиб бориш керак бўлади. Режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳаларини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси маркази билан келишилган ҳолда амалга ошириш, уларни сақлашда ёнғин, техника хавфсизлиги талабларининг бажарилишини таъминлаш, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини юқори савияда ташкиллаштириш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Маданий мерос объектларини нафақат республика, балки халқаро миқёсда ҳам кенг тарғиб-ташвиқ қилиш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, бу борада нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш керак бўлади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонимиздаги ҳар бир маданий мерос – она тарихимиз кўзгусидир. Бу кўзгунинг хира тортмаслиги, мудом ярақлаб туришига муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

## *Туғилган кунингиз муборак бўлсин!*

### *Декабрь ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлайдиган*

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар (ахборот хизматлари) бўлими бош мутахассиси **Жамолиддин Қаландаров,** Мақсадли дастурлар ижросини мониторинг қилиш ва буюртмачи хизматлари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси **Сардор Эламонов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ахборот-таҳлил қилиш, тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва маъмурий амалиёт бўлими бош мутахассиси **Элдор Исааков,**

“Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўйича мутахассиси **Фахриябону Искандарова,**

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Геотехник изланишлар бошқармаси бошлиғи **Ильхом Усмонходжаев,**

“Ташгипрогор” АЖ иситиш, вентиляция ва совутиш сектори бўлим бошлиғи **Ҳикоят Миралимова,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси етакчи муҳандиси **Дилшод Мирзабеков,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори **Омирзак Бердияров,** етакчи мутахассис **Куралбай Ҳамдуллаев,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи инспекторлари **Азимжон Салимов, Шарифжон Ҳомидов,** Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими бошлиғи **Фируз Муҳиддинов,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Камол Жўраев,** етакчи инспектор **Ўткир Турғунбоев,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи **Даврон Маҳмаражабов,**

Самарқанд вилояти, Булунғур тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Агзам Рустамов,** Пайариқ тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Самандар Ўташев,**

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Муҳаммад Кадиралиев,**

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги “Юксалиш-Келажак профессионал бошқарув компанияси” МЧЖ бош директори **Ибодат Холиқбердиева,**

Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги “Comfort Hayot Pbk 151” МЧЖ бош директори **Зафар Ҳусанов,**

Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги “Смарт оқтош бошқарув сервис” МЧЖ бош директори **Шуҳрат Бердиев,**

Тошкент вилояти, Бекобод туманидаги “Umid Dur Marjon” МЧЖ бош директори **Умиджон Қурбонов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИК ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Озода Жўраева, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1237.
1611 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни – 21.25.
Топширилди – 23.50.

1 2 3 4 5 6